

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС  
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**МУҚИМИЙ НОМЛИ ҚЎҚОН ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ**

**МАКТАБГАЧА ВА КОРРЕКЦИОН  
ПЕДАГОГИКА**

Кўқон-2018

# **1-мавзу: ИЖТИМОЙ МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ ВАЗИФАЛАРИ ВА РИВОЖЛАНИШИНГ АСОСИЙ БОСҚИЧЛАРИ**

## **Режа:**

1. Мактабгача таълимнинг Давлат ҳарактери, унинг халқ таълими тизимида тутган ўрни.
2. Ўзбекистонда ижтимоий мактабгача таълимнинг вужудга келиши ва тараққиёт босқичлари.
3. Таълим тўғрисида Қонун ва Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурда мактабгача таълимнинг мақсад ва вазифалари.
4. Мактабгача таълим бўйича тарихий ҳужжатлар.

### ***1.1. Мактабгача таълимнинг Давлат ҳарактери, унинг халқ таълими тизимида тутган ўрни***

Мактабгача таълим узлуксиз таълим тизиминиг бошланғич тури ҳисобланади ҳамда Ўзбекистан Республикасини Таълим тўғрисида ва «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури» тўғрисидаги қонунлари талаблари асосида ташкил этилди.

Мактабгача таълим соғлом, ҳар томонлама етук болаларни тарбиялаш учун зарур ташкилий, услубий, психологоқ педагогик шарт-шароитлар яратади, болаларни мактабда муентазм равишда таълим олишга тайёрлашда отаоналарга ёрдам беради. Мактабгача таълим бола 6-7 ёшга етгунча оилада, ҳамда давлат ва нодавлат мактабгача болалар муассасаларида амалга оширилади.

Мактабгача таълим, бола шахсини мактабгача ёшдаги болалар таълимтарбиясига қўллайдиган Давлат талабларига мувафиқ соғлом ва етук мактабда ўқишга тайёрланган тарзда шакллантириш мақсадини қўзлайди.

Мактабгача таълимнинг вазифалари:

- Болаларнинг ҳаётини муҳофаза қилиш ва соғлигини мустаҳкамлаш;
- Бола шахси асосларини шакллантириш, унинг билимга қизиқишиларини ривожлантириш;
- Боланинг интеллектуал, шахсий ва жисмоний ривожланишини таъминлаш;
- Боланинг ривожланишидаги нуқсонларни зарур тарзда тузатиш;
- Болаларни миллий маданият ва умуминсоний қадриятлар билан таништириш;
- Болаларни мактабда ўқишга тайёрлаш.

Мактабгача таълим узлуксиз таълимнинг ҳамма турлари билан мустаҳкам алоқада олиб борилади.

«Ўзбекистон Республикаси Конституциясида – оила жамиятнинг асосий

буғинидир, ҳамда жамият ва давлат муҳофазасида бўлиш хуқуқига эга» дейилган. Шунингдек, вояга етмаганлар - давлат ҳимоясидадир - деб уқтирилади.

Мактабгача таълим муассасаси оила ва жамиятнинг болаларга ғамхўрлик қилиш, миллий ва минтақа хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ҳар томонлама баркамол қилиб тарбиялаш ва ривожлантиришга бўлган эҳтиёжини қондириш мақсадида ташкил этилади.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияда оналик ва болаликни Давлат томонидан муҳофаза қилинади деб, уқтирилади.

Ижтимоий мактабгача таълим - бу Давлат томонидан ташкил этиладиган Давлат муассасалари бўлиб, унда мактабгача тарбия ёшидаги болаларга таълим ва тарбия берилади. Ижтимоий мактабгача таълимнинг вужудга келиши асосан 1917-1918 йиллардан кейинги даврларга тўғри келади. Бунда ҳалқ комиссарлигининг мактабгача тарбия бўйича 1917 йил 20 ноябрдаги декларацияси «Болалар ҳимояси Советининг тузилиши мамлакатда Давлат томонидан мактабгача тарбия муассасасаларини кўплаб очилиши мактабгача тарбия бўйича ходимларни тайёрлаш вазифаларини қўяди. Хотин-қизларни мамлакатимизнинг хўжалик ва сиёсий ҳаётига этиш ишлари болалар боғчалари тармоқларини кенгайтириш ва қишлоқда дастлабки болалар боғчаларини ташкил этишда қадам қўйди. 1918 йилда Туркистон Ҳалқ комиссарлиги қошида мактабгача тарбия бўлими ташкил этилади. Бу бўлимнинг вазифаси жойларда катта ташкилий ишларни – болалар боғчалари учун жой қидириш ва уларни керакли жиҳозлар билан таъминлаш, тарбиячилар танлаш ва ота-она ўртасида педагогик ташвиқот қилишдан иборат эди.

1918 йилда Тошкентда 4та болалар боғчалари очилди. Бу боғчалар Эски Шаҳар қисмидаги ўзбек болалари эди.

1919 йилда Самарқандада 2та, 3та болалар уйлари, Каттақўрғонда ҳам боғча очилди.

### **Мактабгача таълим.**

Мактабгача таълим бола соғлом, ҳар томонлама камол топиб шаклланишини таъминлайди, унда ўқишига интилиш ҳиссини уйғотади, уни мунтазам таълим олишга тайёрлайди. Мактабгача таълим бола 6-7 ёшга етгунича давлат ва нодавлат мактабгача тарбия муассасаларида ҳамда оиласларда амалга оширилади. Мактабгача таълим мақсади ва вазифаларини рўёбга чиқаришда маҳаллалар, жамоат ва хайрия ташкилотлари, ҳалқаро фондлар фаол иштирок этади.

Мактабгача тарбияни ривожлантириш учун қуидагиларни амалга ошириш лозим бўлади:

- Малакали тарбиячи ва педагог кадрларни устивор равишда тайёрлаш;
- Мактабгача таълимни самарали психологик-педагогик услубларини излаш ва жорий этиш;
- Болаларни оиласда тарбиялашни ташкилий, психологик, педагогик ва услубий жиҳатдан таъминлаш;
- Замонавий ўкув-услубий қўлланмалар, техник воситалар, ўйинчоқлар

ва ўйинлар яратиш ҳамда уларни ишлаб чиқариш;

– Мактабгача ёшдаги болаларни халқнинг бой маданий-тарихий мероси ва умубашарий қадриятлар асосида маънавий-ахлоқий жиҳатдан тарбиялаш учун шарт-шароитлар яратиш;

– Мактабгача таълим муассасаларининг ҳар хил турлари учун турли варианлардаги таълим дастурларини танлаб олиш, мактабгача тарбиянинг барча масалалари бўйича малакали консультация хизмати кўрсатиш имкониятини яратиш;

– Мактабгача тарбия ва соғломлаштириш муассасалари тармоғини кўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш механизмини ишлаб чиқиши.

## *1.2. Ўзбекистонда ижтимоий мактабгача таълимнинг вужудга келиши ва тараққиёт босқичлари.*

Ўрта Осиёда XIX асрнинг 80-90йилларида келиб, болалар мактабгача ижтимоий тарбияси ғоялари етила бошланди. Ўша даврда тараққийпарварлик кайфиятидаги маҳаллий зиёлилар меҳнаткаш аёлларнинг оғир аҳволини ва болалар назоратсизлигини кўриб, уларнинг қисматини енгиллаштиришга интила бошладилар. Бу зиёлилар вакиллари 1872 йилда Туркистонда тузилган “Жамияти хайрия” таркибига кирган эдилар. “Жамияти хайрия” ташкилоти томонидан мискинлар уйлари, тунаш жойлари, туғруқ жойлари билан бир қаторда ота-онаси бўлмаган болалар учун етимхонларни ташкил этди.

Бу етимхоналар оз сонли болаларни бутун Туркистонда тахминан 150-200 кишини ўз ичига олди. Ушбу етимхоналарда ясла ёшли болалардан тортиб, мактаб ёшидаги болаларни ҳам қамраб олган.

1896 йилда Туркистонда воситалар кенгаши камбағалларнинг болалари учун “ясла”лар деб аталадиган муассасаларни туза бошлади. Яслаларга атак-чечак қила бошлаган болалар қабул қилинган ва мактабга кетгунга қадар тарбияланган болалар кун бўйи болалар яслада бўлишар ва уч марта овқатлантирилар эди. Ясла ишларини назоратчи аёл бошқарган, хизмат қилувчи ходимлар ҳам бўлган. Бу муассасада болаларни дуолар ўқишига (дуогўйликка) қатъият билан ўргатилган. Шунингдек болаларни оддий ўқишига, ёзишига, санашига, тўқишига, тўр тақишига, тикишига ва бошқа ҳунарларга ўргатилган. Бутун ўлка бўйлаб шундай яслалардаги болалар сони 50-60 боладан ошмас эди.

Туркистонда камбағалларнинг болалари учун Тошкентда, Самарқанд, Сирдарё, Наманганда етихоналар ташкил этилган.

Имтиёзли синфларнинг болалари учун 1891йилда “Боғдорчилик” жамияти томонидан Тошкент истироҳат боғида мактабгача ва мактаб ёшидаги болалар учун “Болалар майдончаси хилида” биринчи болалар боғчалари очилди. Болалар боғчаси истироҳат боғи майдонидан серсоя жой ажратиб берилди. Майдончада аргимчоқ, қайиқлар, катта аргимчоқ(устунга осилган) ўрнатилди ва хилма-хил ўйинчоқлар тайёрланди. Майдончада гулзор катта ўринни эгаллаб, болалар ўзлари ўсимликларни парвариш қилишарди.

1891-1903 йиллар давомида маблағ йўқлиги сабабли боғча бир неча марта

ёпилган. Таълим-тарбияга оид илфор ғояларнинг таъсири остида Тошкентда 1903 йил феврал ойида “Оилавий таълим-тарбиявий тўгараги” ташкил қилинди. Тўгарак ҳарбий Министр ва Халқ маорифи томонидан тасдиқланган Устав асосида иш бошлади. У ўз олдига қуидаги вазифаларни:

1. Болаларга таълим-тарбия бериш усулларини ривожлантириш ва такомиллаштиришда ёрдам бериш;

2. Педагоглар билан ота-оналарни ва болалар тарбияси ишини бошқарадиган кишиларни(оила, мактаб ва болалар боғчасининг ягона тарбиявий таъсир этишини белгилаш мақсадида) бир-бирларига яқинлаштиришни қўяди.

Бу тўгаракда мактабгача секцияси ҳам фаолият кўрсатган. Таълим-тарбия тўгараги юзага келгунга қадар болалар боғчасининг тарбиявий ишида муайян педагогик тизим йўқ эди, шу сабабли тўгарак аъзолари болалар тарбияси билан боғлиқ бўлган масалаларни муҳокама қилишар эди.

Болалар биринчи марта 4-ёшдан 6-ёшгacha ва 6-10 ёшгacha бўлган икки хил ёш гурухларига бўлинди. Машғулотлар, ўйин ва кўнгил очишлар программаси белгилаб қўйилди. Ҳаракатли ўйилар, хор бўлиб айтиладиган ашула, ўқиш, расм чизиш, лой ва пластилиндан нарсалар ясаш, гимнастика машқларини регламентга соладиган жадвал тузилди. Ота-оналарнинг талаби билан француз ва немис тиллари ўргатилган, бу ишларни мутахассислар томонидан текин амалга оширилган.

Таълим-тарбия тўгараги болалар боғчасида тарбиявий иш савиясини оширишга ёрдам берди. Тарбиявий иш мазмунига иуайян тизи, хилма-хил иш шакллари киритилди. Лекин маҳсус тайёргарликка эга бўлган тарбиячилар бўлмаганлиги сабабли кўпинча боғча тарбиявий ишининг мазмуни бетартиб амалга оширилар эди. 1903-1914 йиллар даври мактабгача тарбия соҳасидаги таълим-тарбия ғояларининг жадал суратда ўсиши билан характерланади.

Сирдарё, Самарқанд, Тошкент шағрида болалар боғчалари каби айрим боғчалар юзага келди. 1909-10910 йилларда ва кейинчалик хусусий боғчалар пайдо бўлди: бу боғчаларда 6-ёшдан бошлаб болаларни асосан гимназияга ўқишга тайёрланар эди. Бундай болалар боғчалари хусусий уйларда очилар ва тамомила ота-оналар таъминотида бўлган. Маълумотга эга бўлган ва чет тилларини биладиган ўқимишли хонимлар тарбиячи эдилар. Аммо мазкур болалар боғчалари фақат бадавлат ота-оналарнинг эҳтиёжини қондирган эди. Давлат томонидан ижтимоий болалар боғчалари фақат 1917 йилдан кейингина ялпи тарзда ташкил этилди.

1917 йил 20 ноябрда Халқ Комиссарлари томонидан “Мактабгача тарбия юзасидан Деклорация” эълон қилинди. Бунда: “Болаларни ижтимоий текин тарбиялаш боланинг биринчи туғилган кунидан бошланади” – дейилган эди. Мактабгача тарбия бутун халқ маорифи тизимининг биринчи бўғини ва таркибий қисми бўлиб қолди. 1919 йилда қабул қилинган Давлат дастурларида халқ маорифи соҳасида: Ижтимоий тарбияни яхшилаш ва хотин-қизларни озод қилиш мақсадида мактабгача тарбия муассасалари тармоқларини вужудга келтириш ҳакида фикр юритилди. Давлатнинг бу умумий сиёсий йўли асосида Туркистон АССР Маорифи Халқ

Комиссарлиги олдида давлат мактабгача тарбия муассасалари тармоқларини вужудга келтириш, методик кўрсатмалар ишлаб чиқиш, кадрлар тайёрлаш ва бошқа маъсулиятли вазифалар пайдо бўлди.

Туркистонда дастлабки давлат болалар боғчалари 1918 йилнинг иккинчи ярмида ташкил этила бошланди. 1918 йил 20 октябрда Туркистон Маорифи Халқ Комиссарлиги қошида Республикадаги мактабгача тарбия соҳасида барча тадбирларни амалга ошириш учун маъмурий орган сифатида мактабгача тарбия бўлими ташкил қилинди. Худди шу йилда вилоят халқ маорифи бўлимларининг қошида мактабгача тарбия кичик бўлимлари ташкил қилинган. Бу тадбир Республикада мактабгача тарбиянинг жонланига ёрдам берди. Мактабгча тарбия бўлимларининг фаолияти уч асосий йўналишда:

1. Болалар боғчаларини очиш, уларни бинолар, мебел ва жиҳозлар билан таъминлаш;
2. Мактабгача тарбия ходимлари, шу жумладан маҳаллий, миллий вакилларидан кадрлар тайёрлаш;
3. Ота-оналар ўртасида ташвиқот тушунтириш ишларини олиб борищдан иборат эди.

“Мактабгача тарбия бўлими тўғриси”да Низом қабул қилинди ва унда бўлим 3-ёшдан 8-ёшгacha бўлган мактабгача тарбия ёшидаги болалар тарбия муассасаларига бошчилик қиласи, мавжуд муассасалар ишининг боришини кузатади, янги болалар боғчалари, яслилар, болалар уйлари, мактабгача ёшдаги болалар учун умумий ётоқхоналар, болалар ёзги колониялари очилди, болалар боғчалари раҳбарлари, энагалар ва кадрлар тайёрлаш мақсадли курслари ташкил қилинди-дейилади.

Ўзбекистоннинг туб жой аҳолиси болаларини мактабгача тарбия муассасаларига жалб этиш учун кураш жуда мураккаб ва қийин шароитда олиб борилди. 1918 йилди Тошкентнинг собиқ эски шаҳар қисмида ўзбек болалари учун 4-та боғча очишга муаффақ бўлинди.

Биринчи боғча – Шайхонтохур даҳасида Ҳасанова - мудири : Махсума Қориева ва Робия Абдурашидова тарбиячи бўлиб фаолият кўрсатган.

Иккинчи боғча - Хўжа кўчасида Анвар Яушева мудири бўлган.

Учинчи боғча - Кўкча даҳасидаги Лангар кўчада очилган.

Тўртинчи боғча - Бешёғоч даҳасида очилган бўлиб, бунда ўқитувчи Қодирхонов мудирлик қиласи эди.

1920 йилда Туркистон Республикасида 71 та болалар боғчаси, шу жумладан, маҳаллий аҳоли болалари учун 16 та боғча ва 12 та болалар майдонлари ташкил этилиб, булардан 4 тасида ўзбек ва бошқа маҳаллий миллатларнинг болалари тарбияланана бошланди. Ўша даврда мактабгача тарбия муассасаларида ҳаммаси бўлиб 6394 бола тарбияланар эди. 1921 йилга келиб болалар боғчаларининг сони 105 тага , шу жумладан, маҳаллий миллатларнинг болалари учун боғчалар 32 тага етди. Болалар боғчаларида тарбияланувчиларнинг сони қарийб 8000 кишига етди, улардан 2000 дан кўпроғи миллатларнинг фарзандлари эди.

Ўзбекистонда давлат буджетидаги болалар муассасаларининг ўсиши.

<b>Йиллар</b>	<b>Болалар богчалари- нинг сони</b>	<b>Богчалардаги болалар сони</b>	<b>Мудира ва тарбиячилар сони</b>	<b>Болалар майдончалари</b>	<b>Майдончадаги болалар сони</b>
1923-1924	12	687	24	-	-
1927-1928	49	2547	123	-	-
1929-1930	410	20739	1196	170	10470
1933-1940	780	33800	2473	316	7900

Улуғ ватан уруш йилларида Ўзбекистонда болалар боғчалари ва болалар майдончаларининг тармоғи деярли икки баробар кенгайди. 1994 йил 1-январига келиб 54 минг бола тарбияланди, давлат тамонидан 77 миллион сўм ажратилди. Бу йилларда Ўзбекистоннинг болалар боғчаларида кўчириб келтирилган 16000 дан кўпроқ болаларни тарбияланди. Шунингдек ота – онасиз қолган қарийб 400 болани васийликка олиш принципига мувофиқ боқиб, тарбиялаб катта қилинди.

Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистонда ижтимоий тарбияни ташкил этиш борасида олиб борилган барча эзгу ишлар, мактабгача таълимни келгусида янада ривожланиб, такомиллашувида муҳим аҳамият касб этади.

### ***1.3. Таълим тўғрисида Конун ва Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурда мактабгача таълимнинг мақсад ва вазифалари.***

Ҳозирда болаларни мактабгача таълимга жалб этиш 20% ни ташкил этмоқда. Таълим тўғрисидаги Конуннинг II моддаси мактабгача таълимга бағищланган. «Мактабгача таълим» бола шахсини соғлом ва етук, мактабда ўқишга тайёрланган тарзда шакллантириш мақсадини кўзлайди. Бу таълим олти-етти ёшгача оилада, болалар боғчасида ва мулк шаклидан қатъий назар бошқа таълим олиб борилади» дейилади.

Кадрлар тайёрлаш Миллий Дастурининг мақсади ҳам комил инсон тарбиясига қаратилган. Мактабгача тарбия Канцепциясида: мактабгача тарбиянинг таркибий ва мазмунини қайта кўришганча фикрлайдиган ўзбек халқининг миллий анъаналари, қадриятлари, халқ ижодиётининг ўзига хослиги, тилда ўз аксини топувчи тафаккур хусусиятлари халқ педагогикасининг улкан тажрибаси оиладаги ўзаро муносабат, миллий ўз-ўзини англаш, бошқа халқ маданиятидаги ижобий хусусиятларини уйғунлаштириш масалалари, мактабгача ва оила таълимида ҳал этилади.

Соғлом авлод учун дастури 1993 йилда қабул қилинди. Мақсади: болаларни илк ёшдан ҳар томонлама жисмонан, руҳан, маънавий тарбиялашдан иборат. Бунга асосан:

- а) болалар боғчаларида таълимда тарбия мазмунини такомилаштириш;
- б) болалар муассасаларида басейн, сув ҳавзалари турли спорт

иншоотлари ва тўгаракларни ташкил этиш;

в) илфор иш тажрибаларини ўрганиш, ва оммалаштириш;

г) халқ миллий ўйинларини ишлаб чиқиш ва амалиётга татбиқ этиш;

д) болаларнинг соғлигини сақлаш, муҳофаза қилиш, чиниқтириш ишларини ташкил этиш устидан назорат қилишни кучайтиришдан иборат.

Мактабгача таълим бўйича асосий иш ҳужжатлари:

1. Мактабгача тарбия тўғрисидаги Концепция (-Т., 2008).

2. Мактабгача таълим муаммолари тўғрисидаги Низом (-Т., 2007).

3. Учинчи минг йи лликнинг боласи Дастури (-Т., 1999).

4. Таълим тўғрисидаги Қонун (-Т., 1997).

5. Кадрлар тайёрлаш Миллий Дастури. (-Т., 1997).

6. Мактабгача таълим соҳасида чиқарилган фармон, буйруқ, фармоийишлар, кўрсатмалар, йўриқномалар, директив ва меъёрий ҳужжатлар.

7. Мактабгача ёшдаги болалар ривожланишига қўйиладиган Давлат талаблари (-Т., 2008).

### **Узлуксиз таълимни ташкил этиш ва ривожлантириш принциплари.**

Узлуксиз таълимнинг фаолият кўрсатиш принциплари қўйидагилардан иборат:

– таълимнинг устиворлиги – унинг ривожланишининг биринчи даражали аҳамиятга эга эканлиги, билим, таълим ва юксак интелектнинг нуфузи;

– таълимнинг демократлашуви – таълим ва тарбия услубларини танлашда ўкув юртлари мустақиллигининг кенгайиши, таълимни бошқаришнинг давлат-жамият тизимига ўтилиши;

– таълимнинг инсонпарварлашуви – инсон қобилияtlарининг очилиши ва унинг таълимга нисбатан бўлган турли-туман эҳтиёжларининг қондирилиши, миллий ва умубашарий қадриятлар устиворлигининг таъминланиши, инсон, жамият ва атроф-муҳит ўзаро муносабатларининг ўйғунлашуви;

– таълимнинг ижтимоийлашуви – таълим олувчиларда эстетик бой дунёқарашни ҳосил қилиш, уларда юксак маънавият, маданият ва ижодий фикрлашни шакллантириш;

– таълимнинг миллий йўналтирилганлиги – таълимнинг миллий тарих, халқ анъаналари ва урф-одатлари билан узвий уйғунлиги, Ўзбекистон халқларининг маданиятини сақлаб қолиш ва бойитиш, таълимни миллий тараққиётнинг ўта муҳим омили сифатида эътироф этиш, бошқа халқларнинг тарихи ва маданиятини ҳурматлаш;

– таълим ва тарбиянинг узвий боғлиқлиги, бу жараённинг хар томонлама камол топган инсонни шакллантиришга йўналтирилганлиги;

– иқтидорли ёшларни аниқлаш, уларга таълимнинг энг юқори даражасида, изчил равишда фундаментал ва маҳсус билим олишлари учун шарт-шароит яратиш.

#### **1.4. Мактабгача таълим бўйича тарихий ҳужжатлар**

Мактабгача таълим тизими бўйича асосий иш ҳужжатлари бу - 1937 йил 3 майда қабул қилинган. Болалар боғчалари тўғрисидаги қароридан, «Қарамоғида болалар боғчалари бўлган хўжалик ташкилотлари ва муассасалари зиммасига тегишли иттифоқдош республикаларнинг соғлиқни сақлаш ва маориф халқ комиссарликлари томонидаи болалар боғчаларини санитария қоидалари, биноларнинг катта-кичиклиги, жиҳозлар, кўрсатмали қўллашмалар, болаларни овқатлантириш ва уларга медицина хизмати кўрсатишга мувофиқ қилиб қуриш ва сақлаш юзасидан белгиланган нормаларга риоя қилиш вазифаси юклансин» - дейилади.

1944 йил 9 январь Халқ Комиссарлари Советининг «Болалар боғчалари тармоқларини кенгайтириш ва уларнинг ишини яхшилаш тадбирлари тўғрисидаги» қорорида: Маҳаллий ижроия комиссарларига халқ комиссарликлари ва бошқармаларнинг болалар боғчаларида бўш ўринлар бўлса, шу бўш ўрнилардан 20% гача бўлган қисмини шу корхонада ишламаса ҳам, яқин шу корхоналарнинг болалар боғчасига яқин жойда турадиган ота-оналарнинг болалари билан тўлдириш хуқуқи берилсин. Болаларни болалар боғчаларига юбориш халқ маорифи бўлимлари томонидан расмийлаштирилади».

«Соғлиқни сақлаш халқ комиссарининг:

- болалар боғчаларига врачларни бириктириб ва камида 100та бола тарбияланаётган ҳар бир болалар боғчасига 1та медицина ҳамширасини доимий ишлаш учун таъминлаб, болалар поликлиникалари, болалар амбулаториялари ҳамда умумий поликлиника ва амбулаторияларнинг болалар бўлимлари орқали боғчалардаги болаларга медицина хизмати кўрсатишни таъминлаш;
- болалар боғчаларини биринчи ёрдам аптечкалари билан таъминлаш мажбурияти юклатилсин;
- Сметада болалар боғчаларидағи музика ходимларининг иш ҳақи учун маблағ фиратинга рухсат этилсин» - дейилади.

«Болалар муассасалари тармоқларини кенгайтириш ҳамда хотинлар ва болаларга медицина ва машқий жиҳатдан хизмат кўрсатишни яхшилаш тадбирлари тўғрисида»ги Халқ Комиссарлари Советнинг 1944 йил 10 ноябрдаги қарорида: Иттифоқдош Республикаларнинг Халқ Комиссарлари Советларига, халқ комиссарлари ва бошқармаларга болалар яслилари, гўдак болалар усти, болалар консультацияси, эмизикли болаларга сут тайёрлаб берувчи муассаса, болалар боғчаси ва болалар уйи тармоқларини кўпайтириш, хизмат кўрсатилишига муҳтож болаларнинг ҳаммасини мазкур болалар муассасаларига тўла жалб этишни таъминлаш мажбурияти юклансин. Ёлғиз оналарнинг ўз болаларини тарбиялашларига ёрдам бериш мақсадида болалар яслилари ва болалар боғчаларида уларнинг болаларини бутун сутка давомида олиб туриш ташкил этилсин - дейилади.

«Болалар мактабгача тарбия муассасаларини янада ривожлантириш, мактабгача ёшдаги болаларни тарбиялаш ва уларга медицина хизмати кўрсатишни яхшилаш чоралари тўғрисидаги 1959 йил, 21 май қарорида: Мактабгача ёшдаги болаларни тарбиялашнинг ягона, яъни мактабда бериладиган навбатдаги тарбия вазифаларига мувофиқ бўлган системани амалга ошириш мақсадида, маҳаллий шароит ва имкониятларни назарда тутиб, болалар муассасаларини икки типини:

- ясли ва болалар боғчасини ягона мактабгача тарбия болалар муассасаси қилиб бирлаштирилсин. Бу муассасаларга халқ маорифи комиссарлиги раҳбарлик қилсин;
- бундан буён барча турдаги болалар муассасалари, уларнинг болаларни турар жойларига яқинлаштириш ва шу билан ота-оналарнинг вақтини камайтириш назарда тутилиб, мактабгача ёшдаги болаларнинг бирлашган типовой лойиҳаси бўйича кўрилсин;
- Иттифоқдош Республикаларга - мактабгача тарбия муассасалари ҳақида Низом тузиб чиқиши ва уни тайёрлаш юклатилсин;
- педагогика фанлар академиями ва медицина академияси билан биргалиқда мактабгача тарбия ёшидаги болаларни тарбиялашининг ягона программасини тузиб чиқиши топширилсин;
- ярокли биноларни мослаштириш ва режали кўришни арzonлаштириш;
- тарбиячилар ва медицина ходимлари кадрларини тайёрлаш;
- болаларни овқатлантириш ва утигон - мебеллар билан таъминлаш;
- боғчага қатнамайдиган болалар учун болалар паркларида, скверларда ва уйларнинг ховлиларида майдончалар ташкил қилиш ва уларни жиҳозлаш чораларини кўриш юклатилсин;
- ахоли ўртасида лекциялар ўқиши, суҳбатлар ўтказиш, оммавий-илмий адабиётларни кўпроқ нусхада нашр этиши;
- болаларни тарбиялаш ва уларнинг соғлигини сақлаш масалаларини ёритувчи бадиий адабиётлар нашр этишни, кинофильмлар чиқаришни, радио, телевидение эшиттиришларини кенгайтириш таъминлансин» дейилади.

### **Таянч тушунчалар:**

**Ижтимоий** – Давлат томонидан ташкил этиладиган мактабгача тарбия муассасалари.

**Халқ Комиссарлари Совети** – Халқ таълими бўлимлари.

**Типовой лойиҳа** – Намунавий – Халқ таълими Вазирлиги томонидан белгиланган.

**Директив ҳужжат** – йўл-йўриқ кўрсатма.

**Норматив** – ҳужжат – мактабгача таълим соҳаси бўйича қўлланиладиган мейёрий ҳужжатлар.

### **Мавзу юзасидан фойдаланилган адабиётлар:**

1. И.А.Каримов. Юксак маънавият – енгилмас куч. –Т.: Маънавият, 2008.
2. И.А.Каримов. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. –Т.: Ўзбекистон, 2000.
3. «Баркамол авлод йили» Давлат дастури. –Т.: Ўзбекистон, 2010.
4. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. –Т.: Ўзбекистон, 1992.
5. Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни. Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. –Т.: Шарқ, 1997.
6. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури. Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. –Т.: Шарқ, 1997.
7. Ўзбекистон Республикаси давлат мактабгача таълим муассасаси тўғрисидаги Низом. –Т., 2007.
8. Ўзбекистон Республикаси нодавлат мактабгача таълим муассасаси тўғрисидаги Низом. –Т., 2007.
9. Мактабгача таълим Концепцияси. –Т., 2005.
10. Учинчи минг йилликнинг боласи. Таянч дастур. –Т.: Маърифат-Мададкор, 1999.
11. О.Ҳасанбоева, М.Таджиева, Ш.Тошпулатова ва бошқ. Мактабгача таълим педагогикаси. –Т.: Илм-зиё, 2006.
12. Ш.К.Тошпулатова. Мактабгача таълим муассасаларини ташкил эти шва бошқариш усуллари. –Т.: ТДПУ, 2001.

### **Назорат учун саволлар:**

1. Мактабгача таълим тизимиning Давлат ҳарактерини изоҳланг.
2. Таълим тўғрисидаги Қонун ва Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурида - мактабгача таълим тизимини ёритилиши.
3. Ижтимоий мактабгача тарбиянинг ривожланиши тарихини ёритиб беринг.

### **Мавзу юзасидан тест топшириқлари:**

1. Ўзбекистон Республикасида мактабгача таълим муассасаларининг замонавий тизими қайси бандда тўғри ёритилган?
  - а) Ясли-боғча, мактабгача муассаса-мактаб
  - б) Боғча-мактаб-лицей мажмуаси
  - в) Мактабгача таълим муассасаси-мактаб-лицей, нодавлат мактабгача таълим муассасалари
  - г) Мактаб, лицей, боғча-мактаб
2. Кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан ислоҳ қилиш омиллари қайси қонунда белгилаб берилган?
  - а) Таълим тўғрисидаги Қонунда
  - б) Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида

в) Ўзбекистон Республикаси Конституциясида  
г) Мактабгача таълим тўғрисидаги Низомда

3. Таълим тўғрисидаги Қонуннинг 18-моддаси қайси таълимга бағишланган?

- а) Ўрта маҳсус, касб-хунар тизимиға
- б) Кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш
- в) Мактабдан ташқари таълим
- г) Оиладаги таълим ва мустақил равишда таълим олиш

4. Ўзбекистон Республикасида мактабгача таълим тўғрисидаги Низомнинг мақсади қайси банддан тўғри келтирилган?

- а) Бола шахсини мактабгача ёшдаги болалар таълим тарбиясига қўйиладиган давлат талабларига мувофиқ соғлом ва етук, мактабда ўқишига тайёрланган тарзда шакллантириш
- б) Мактабгача таълим ёшидаги болаларни жисмоний ва ақлий жиҳатдан соғлом ва етук қилиб тарбиялаш
- в) 6-7 ёшли болаларини комил инсон қилиб, мактаб таълимига тайёрлаш ақлий-аҳлоқий етук инсон қилиб тарбиялаш
- г) Мактабгача ёшдаги болаларни мактаб таълимига тайёрлаш

5. Мактабгача таълим муассасасининг юридик шахс ҳукуқи қайси қонунда белгилаб берилган?

- а) Кадрлар тайёрлаш Миллий дастуридан
- б) Мактабгача таълим тўғрисидаги Низомда
- в) Таълим тўғрисидаги Қонунда
- г) Мактабгача таълим Конституциясидан

## **2-мавзу: МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМНИ РЕЖАЛАШТИРИШ, МОЛИЯВИЙ ТАЪМИНЛАШ ВА ТАШКИЛ ЭТИШ ПРИНЦИПЛАРИ**

### **Режа:**

1. Халқ хўжалигини илмий асосда режалаштириш иқтисодиётимизнинг асоси эканлиги.
2. Режалаштиришнинг асосий боскичлари ва турлари.
3. Смета – Давлат молиявий хужжати сифатида.
4. Мактабгача таълимни ташкил қилиш ва бошқариш принциплари.

### ***2.1. Халқ хўжалигини илмий асосда режалаштириши иқтисодиётимизнинг асоси эканлиги***

Республика халқ хўжалиги режаси асосида мактабгача таълим муассасаларини лойиҳалаштириш, режалаштириш белгиланади. Мактабгача таълим муассасаси мустақил равишда иқтисодий ва социал ривожланиш режасини ишлаб чиқади. Мактабгача таълим муассасаси йўналиши бўйича фаолият натижаларига эҳтиёжни акс эттирувчи ва болаларнинг ўртacha йиллик сонини аниқлаш учун асос бўлиб хизмат қилидиган назорат рақамлари, кўрсаткичлари, бюджет ва тармоқ молия нормативлари орқали муассасани тутиб туриш ва ривожлантиришга ажратилган бюджет ва тармоқ маблағлари мактабгача таълим муассасалари бюджет ҳисобига ёки шу билан таъминлашнинг тармоқ манбалари ҳисобига туширилишининг давлат буюртмаси:

- пул билан таъминлашнинг бюджетга тармоқ нормативи;
- иш ҳақи жамғармаси нормативи даромадларини тақсимлашнинг биринчи усулидир;
- ишлаб чиқариш ва социал ривожланиш жамғармаси нормативи;
- валюта ажратмалари жамғармаси нормативи, мактабгача таълим муассасаси режа, молия, меҳнат интизомига ва педагогик меҳнат интизомига қатъий риоя қилишга мажбурдир.

Режалаштириш. Республика Халқ таълими Вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Иқтисод институти, Молия, вазирлиги, Соғлиқни сақлаш Вазирлиги, Давлат стандартлари томонидан ишлаб чиқилади.

Илмийлик принципида Халқ хўжалиги режасига асосланиб, Халқ таълимини илмий нуқтаи назардан давлатимиз томонидан кўрсатиб берилган қонун, қарор, директив йўл-йўриқлари асосида режалаштиришdir.

Жойларнинг ташаббуслари билан идора, жамоа ташкилотлари.

Мактабгача муассаса ердан, сувдан фойдаланиш, табиатни муҳофаза қилиш, қурилиш, аҳолига ижтимоий соҳасини ривожлантириш, меҳнат ресурсларидан фойдаланиш, ходимлар сони ва мактабгача таълим муассасаси хуқуқи доирасидан ташқарига чиқадиган бошқа соҳалари бўйича ўз режасини халқ депутатлари совети билан мувофиқлаштиради.

Давлат мактабгача таълим муассасаси бюджет ёки тармоқ молия принципи асосида фаолият кўрсатади.

Мактабгача таълим муассасалари пул билан таъминлашнинг ҳисоб бирлиги сифатидан ўртача йиллик ҳисобда бир бола олинади. Бюджет ёки тармоқ молия нормативлари вазирлик ва идоралар томонидан ўз тасаруфидаги муассасалар учун халқ таълими вазирлиги, молия вазирлиги, Иқтисод институти ишлаб чиқсан методик тавсияларга мувофиқ ишлаб чиқилади.

Мактабгача таълим муассасаси қўшимча пул маблағлари қуидагилардан шаклланади.

1. Бажарилган иш, кўрсатилган хизмат учун моддий ҳарактердаги тизимлар.

2. Давлат, жамоат корхоналари ва ахоли буюртмаси бўйича тузилган шартномалар.

3. Бўш тўрган ёрдамчи хоналар, иншоотлар, ускуналарни ижарага беришдан тушган маблағлар.

4. Ихтиёрий бадаллардан, давлат, жамоа корхоналари ва ташкилотларидан, шунингдек, айrim фуқаролардан тушган моддий қийматлар.

5. Бошқа тизимлар.

Қуидаги жамғармалар шаклланади:

а) иш ҳақи жамғармаси ва социал ривожланиш;

б) ишлаб чиқариш;

в) валюта жамғармаси.

Мактабгача таълим муассасаси ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикасида Халқ таълими вазирлиги, Қорақалпоғистон халқ таълими вазирлиги томонидан ўтказилаётган ягона сиёсий принципларга амал қиласди. Бу бюджет, банклар, таъминотчилар ва бошқа контрактлар, шунингдек, тасаруфидаги тўрган халқ таълими бўлимлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар олдидағи ўз мажбуриятларини вақтида бажарилиши учун маъсулдир.

## ***2.2. Режалаштиришининг асосий боскичлари ва турлари.***

Режалаштириш Истиқбол ва жорий турлардан иборат.

Истиқбол режада 10 ёки 5 йилларга мўлжалланади. Бу халқ таълими молиявий экономия бўлимларда ва узоқ муддатга мўлжалланган режаларда акс этади.

Жорий режалаштириш. Бу ҳар йили амалга ошириладиган молиявий хўжалик ишларидир. Мактабгача таълим муассасалари ва юқори бўлимларнинг муносабати, режа, бошқариш, Давлат корхонаси бирлашмаси тўғрисидаги Халқ таълимида хўжалик механизмининг асосий қоидалари доирасидаги қонуннинг айrim қоидаларига риоя қилиш асосида иш юритади. Юқори бўлим муассаси қонунчилигига белгиланган ҳуқуқлари доирасидагина кўрсатма берилиши мумкин. Юқори бўлимнинг муассаса фаолиятини қонунчиликка риоя қилиниши, социологик мулкининг бажарилишини назорат қиласди. Муассасасининг ишлаб чиқариш ва молиявий хўжалик фаолиятини назорат қилиб ва бажариладиган ҳуқуққа эга бўлган бошқа ташкилотлар томонидан манфаатдор ташкилотларни жалб қилган ҳамда 1

йилда бир маротаба комплекс равишда амалга оширилади. Мактабгача таълим муассасаларининг ҳаракат сметалари муассасани сақлашга мўлжалланган маблағининг ҳажми қайси мақсадга сарфланиши ва кварталлар бўйича тақсимланиши белгилаб берадиган асосий хужжат ҳисобланади. Ана шу сметага асосланиб бюджетга болалар муассасасининг молиявий эҳтиёжи учун пул ажратиш кўзда тутилади ва маблағ ажратилади. Мактабгача таълим муассасалари вазирликлар, идоралар, ҳалқ депутатлари советлари кўрсатмасига биноан уларга буйсунган корхоналар муассасалар, ҳалқ депутатлари томонидан ҳалқ хўжалиги режасида белгилаб берилган болалар контингенти доирасида тузилади.

Таълимни ва кадрлар тайёрлашни молиялаштириш тизими такомиллаштирилади, унинг кўп вариантли (бюджетдан ажратилган ва бюджетдан ташқари манбалардан) тизими жорий этилади, таълим муассасаларининг ўзини ўзи пул билан таъминлаши ривожлантирилади, хусусий ҳамда чет эл инвестицияларини таълим соҳасига жалб этиш рафбатлантирилади.

Республика фуқаролари учун кейинчалик уларни тўлашнинг мослашувчан тизимида асосланган таълим кредитлари бериш механизми шакллантирилади. Узлуксиз таълим ва кадрлар тайёрлаш тизимини моддий жиҳатдан қўллаб-куватлашда донорлик ва ҳомийларнинг мавқеи кучайиб боради.

Пуллик таълим хизматлари кўрсатиш, тадбиркорлик, маслаҳат, эксперт, ноширлик, ишлаб чиқариш, илмий ҳамда уставда белгилаб қўйилган вазифаларгамувиғиқ бошқа тарздаги фаолият ҳисобидан таълим муассасаларининг даромадлари кўпайиши таъминланади.

### ***2.3. Смета – Давлат молиявий хужжати сифатида.***

Сметада мактабгача таълим муассасасининг барча ҳаракатлари ва бу ҳаражатлари, манбалар, бюджет ажратмалари ва ота-оналар маблағлари кўрсатилади.

Ёзги соғломлаштириш тадбирларини ўtkазиш учун алоҳида смета тузилади. Сметанинг 6 бўлими ва ҳар бир моддаси ҳақида тушунча бериш. Ишлаб чиқариш кўрсаткичларини аниқлашда муассасадаги гурухлар, болалар сони, муассасада боланинг бўлиш вақти, неча соат ишлашига, ишни турига ҳам алоҳида эътибор берилади. Смета ҳаражатларини режалаштириш бўйича 1-модда «Иш ҳақи», 2-модда «Иш ҳаққига нисбатан ажратмалар», 3-модда «Идора ва хўжалик ҳаражатлари», 4-модда «Командировка ва хизмат ҳаражатлари», 5-модда «Ўқув ўрганув, қутубхона ва ўйинчоқлар сотиб олиш», 8-модда «Овқатлантириш ҳаражатлари», 12-модда «Асбоб-ускуна ва инвертарлар сотиб олиш», 16-модда «Бино ва иншоотларнинг капитал ремонти», 18-модда «Бошқа ҳаражатлар»и киради.

#### **8-модда бўйича таомнома тузиш.**

Бу моддада болаларни овқатлантиришга мўлжалланган маблағлар киритилади. Бу маблағларнинг миқдори битта болага кунлик овқатланиш учун белгиланган пул нормаси ва йил давомида овқатлантириладиган тушумлар сонига қараб белгиланади. Бунда болалар боғчаларининг тури,

ишлаш соати албатта ҳисобга олинади. Овқатлантириш меёри соғлиқни сақлаш, молия ва халқ хўжалиги вазирлиги томонидан белгилаб берилади. Овқатланишга ажратиладигай маблағ микдорини аниқлаш учун бир болага кунига сарфланадиган овқат қийматини турли узунликдаги мактабгача таълим ва ясли гурӯҳлари бўйича жами бола кунига кўпайтириш керак. Мактабгача таълим муассасасининг сметасига боғча ходимларининг овқатланиши учун маблағ ажратиш кўзда тутилади. Бу халқ таълими бўлимлари, молия бўлимлари томонидан алоҳида рўйхат бўйича амалга оширилади. Бунда ходимлар ҳақ тўлаш ҳисобига болалар муассасаларида овқатланишлари мумкин. Смета амал қиласидан йил ва муассаса қайси бюджет, маблағ билан таъминланиши ёзиб кўйилади.

Сметада мактабгача таълим муассасасининг барча ҳаражатлари ва бу ҳаражатлар қорежаадиган манбалар: бюджет ажратмалари ва ота-оналар маблағлари кўрсатилади.

Ёзги соғломлаштириш тадбирларини ўtkазиш сарфлари мактабгача таълим муассасаларининг ҳаражат сметасига киритилмайди. Бундай тадбирлар ўtkазиладиган холларда уларни амалга ошириш билан боғлиқ қўшимча ҳаражатлар учун алоҳида смета тузилади. Шунингдек, болалар боғчаларида ота-оналар маблағи ҳисоби бўйича ҳам алоҳида смета тузилади.

Смета бюджетидаги классификацияланган ҳаражат моддалари Молия вазирлиги томонидан тасдиқланган бўйича тузилади. Сметада муассаса келаси йилга ҳисоблаб чиққан жами ҳамда алоҳида моддалар бўйича ҳаражатлар суммаси жорий йилга тасдиқланган ҳаражатлар суммаси билан ва смета қачон тузилаётганига қараб ўтган даврдаги ҳақиқий ҳаражатлар микдори билан киритилган ўзгартишлар ҳисобга олинган холда таққослаб келтирилади.

Кўрсатилган маълумотларни таққослашда сметани ижро этиш жараёнида юз берган четланишларни аниқлаш, бу четланишларнинг сабабини топиш, шу асосда келаси йилги ҳаражатлар микдорини тўғри белгилаш керак.

Мактабгача болалар муассасалари смета тузиш вақтида яна келаси йилги муассасанинг иш кўрсаткичлари (гуруҳ ва болалар сонининг ортиши, болаларнинг муассасада бўлиш вақти ва ҳоказолар) бўйича ўзи бўйсунган юқори ташкилотнинг кўрсатмаларига амал қиласи. Сметада киритилган ҳаражатлар смета бланкасига келтирилган ҳисоб-китоблар билан асосланган бўлиши шарт.

Сметага ҳисоб-китоблар билан бирга мактабгача таълим муассасаси эгаллагаб тўрган бино хақида умумий маълумотлар (унинг кубатураси, майдони, иситиш системаси, водопровод, канализация мавжудлиги) ва муассасанинг ва кўламига оид кўрсаткичлар (гуруҳ, болалар сони ва ҳоказолар) ҳам келтирилади. Сметага мактабгача таълим муассасасининг педагог, медицина ва бошқа ходимлари тарификация рўйхати албатта илова қилиниши шарт. Мазкур рўйхат икки нусхада тузилади.

Смета лойиҳаси тегишли иловалар билан мактабгача таълим муассасалари томонидан белгиланган муддатда юқори ташкилотларга икки нусхада, зарур бўлган холларда эса уч нусхада тузилади.

Юқори ташкилот мактабгача таълим муассасасининг сметасини қабул қилиб олгач, энг аввало, сметанинг тўғри тузилганлигини аниқлади. Сметада барча графалар тўлғазилган, алоҳида моддалар бўйича ҳаражат суммалари тегишли ҳисоб-китоблар билан боғланган, бинонинг кубатураси ва майдони тўғри кўрсатилган, шунингдек, унга ходимларнинг тарификация рўйхати илова қилинган бўлиши керак.

Барча ҳисоб-китобларга қараб чиқилгандан сўнг ҳар бир модда бўйича ҳаражатлар аниқланади ва бюджет ҳисобидан қорежаадиган ҳаражатлар бюджетда аниқ мақсадлар учун ажратилган суммага teng ҳолга келтирилгандан кейин мактабгача таълим муассасасининг смета бланкасига жами ҳаражатлар (алоҳида модда бўйича ва ҳаммаси), шунингдек, бюджет ҳамда ота-оналар маблағи ҳисобига қорежаадиган ҳаражатлар жами кварталлар бўйича тасдиқланган тақимотга биноан тақимлаб ёзib қўйилади. Смета юқори ташкилот томонидан қабул қилингандан кейин мактабгача таълим муассасаси ҳаражатлари ва ота-оналардан тушадиган маблағни кварталлар бўйича тақсимлаб, ҳисоб-китоб қилиб қўяди.

Ҳаражатларни тақсимлашда баъзи ҳаражатларнинг мафсумий ҳарактерда бўлиши (ёқилғи тайёрлаш, сабзавот жамғариш, ремонт ишлари ва ҳоказолар) ҳисобга олиниши шарт. Бориди-ю, болалар сонини кўпайтириш кўзда тутилган бўлса, бу билан боғиқ сарфлар (иш хақи, болаларни овқатлантириш на ҳоказо) тегишли кварталлар ҳаражатлар миқдорида ўз ифодасини топиши керак. Сметанинг бир нусхаси муассасага, иккинчи нусхаси юқори ташкилотда қолади, учинчи нусхаси эса марказлашган бухгалтерияга, қишлоқ советига, молия бўлими ва бошқаларга хавола қилинади.

Сметанинг тасдиқланиши смета бланкаси юз томонидаги маҳсус ёзуви билан расмийлаштирилади. Мазкур ёзувда ҳаракатларнинг жами суммаси ходимларнинг иш хақи фонди, смета тасдиқланган кун кўрсатилади. Сўнгра сметани тасдиқлаган юқори ташкилот бошлиғи имзо чекади ва унинг имзоси идора мухри билан мустаҳкамланади. Сметани тасдиқлаган ташкилот унга ўзгартириш кирита олади. Бу ўзгаришлар юқори ташкилотнинг муассасага юборган маҳсус ёзишмасига асосан расмийлаштирилади.

II. Ишлаб-чиқариш кўрсаткичларини аниқлаш. Мактабгача таълим болалар муассасаларининг ҳаражатлар хажми асосан ундаги гуруҳлар ва болалар сонига, ҳар бир боланинг болалар муассасасида қанча вақт бўлишига боғлиқдир. Бунда болалар сони ва уларнинг ҳар бири болалар муассасасида қанча вақт бўлишига оид кўсаткичлар турли муддатдаги (9-10 соат, 12-14 соат ва 24 соат) мактабгача таълим ва ясли гуруҳлари бўйича алоҳида тўлғазилади. Муассасада санатория гуруҳлар мавжуд бўлса, улардаги болалар сони ҳам алоҳидаги кўрсатилади. Бу бўлимда гуруҳлар ва болаларинг йил бошидаги, йил охиридаги ҳамда ўртacha йиллик сони кўрсатилади. Режалаштрилаётган йил бошида мактабгача таълим муасссаларида смета тузилаёттан вақтда ҳақиқатда мавжуд гуруҳлар миқдори ва болаларнинг рўйхатдаги сони берилади. Бу юқори ташкилот йўлланмаси билан муассасага қабул қилинган болаларнинг ҳаммаси тушунилади. Агар жорий йил сметасида болалар муассасасини кенгайтириш кўзда тутилган

бўлса, у ҳолда «Йил бошида» графасида гурухлар миқдори на болалар сонида жорий йил охиригача юз бериши эҳтимол бўлган ўзгаришлар берилади. Ўзгармаса «Йил охирида» графасига ҳам йил бошидаги маълумотнинг ўзи ёзилади. Режалаштирилаётган йил учун бир боланинг мактабгача таълим болалар муассасасида бўлган кунлар сони, одатда, давомат табелидаги маълумотларга суюниб, шунингдек, ўтган йиллар режай ижросини анализ қилиш асосида болаларнинг турлича муддат билан боғчада қанча вақт бўлганлигига қараб аниқланади.

5. Мавсумий мактабгача таълим муассасаларини сақлашга оид сметаларни тузиш.

Мавсумий мактабгача таълим муассасаларининг сметалари муассасанинг қанча муддатга очилишини ҳисобга олган ҳолда доимий мактабгача таълим муассасалари сметалари каби тартибда тузилади. Мавсумий муассасаларда иш ҳақи фондини ҳисоб-китоб қилган вақтда ходимларнинг навбатдаги таътили учун ёки фойдаланилмаган таътилларига компенсация тўлаш учун маблағ кўзда тутилиши керак. Бунинг учун ҳар бир ой учун тегишли таътил кунлари сонига кўпайтирилади.

6. Ёзги соғломлаштириш тадбирларини ўтказиш учун кетадиган ҳаражатлар. Ёзги соғломлаштриш тадбирлари вазирликлар ва идоралари томонидан улар учун иттифоқ бюджетида социалмадоний тадбирларга ажратилган маблағ доирасида, иттифоқчи республикаларда эса республика бюджети доирасида амалга оширилади.

Корхоналар қошидаги мактабгача таълим муассасаларида ёзги соғломлаштириш тадбирлари, шунингдек, рағбатлантириш фонди ҳисобига ҳам ўтказилиши мумкин. Ёзги соғломлаштириш сметаси алоҳида тузилади. Бунда овқатлантириш нормалари оширилади, иш вақти узайтирилади ёки боқقا кўчирилади, ота-оналардан олинадиган ҳақ кўпайтирилади. Бу муносабат билан ҳодимларининг иш ҳақи, хўжалик хизматлари, болаларни овқатлантириш учун қўшимча ҳаражат кўзда тутилади.

#### ***2.4. Мактабгача таълимни ташкил қилиши ва бошқариши принциплари.***

Ҳар бир соҳани бошқаришда авваламбор, принцип-тамойил, метод-усул, одил бошқариш услубларини билишимиз керак.

Принцип - яъни тамойил бу - бирор бир янги назария ёки таълимий фанийинг асосий натижасидир.

Бошқариш усули - бу бошқариш ғояси ва бириктириш йўли бўлиб, ишларни бажариш ва ишларнинг талабага қараб шакллантиришга тушунилади.

Бошқариш услуби - бу шахснинг мустаҳкам психологик ҳарактерига эга бўлган диққат, тафаккур, идрок, сезги, онг ва бошқалар орқали бошқаришдир.

Бу тушунчалар, яъни принцип, метод ўзаро бир-бирлари билан узвий боғлиқ бўлиб, буларнинг ҳаммаси кишилар ўртасидаги муносабатларда кўринади.

Кейинги йилларда назария билан амалий бошқариш фаолиятида бир мунча классификацион қарашлар юзага келди. Бошқариш усулининг энг муҳим белгиларидан бири бу илмийлик хусусиятидир. Фақат илмий назария билан

қарашгина бошқарувчи шахсга ўзининг раҳбарлик меҳнатига кўп қиррали ва мазмунли иш услубини кўрсата билиши зарур.

Бошқарувчи шахс аввало бошқаришдан олдин, албатта, керакли илмни эгаллаган бўлиши лозимдир. Ўзбекистон Республикаси Конституциясида, «Ҳар кимга илмий ва техникавий ижод эркинлиги, маданий ютуқларидан фойдаланиш ҳуқуқи кафолатланади» дейилади.

Илмийлик - назария ва амалиёт билан бир тушунчадир. Назария - амалиёт билан чамбарчас боғлиқдир. Амалиётсиз назария кўр одамни эслатади. Амалиёт - назария олдида янги вазифа ва саволларни қўяди.

Назария билан амалиётни бирлаштириш натижасида илмий асосланган хulosалар, таълим-тарбиявий ишларни ечиш, тарбия методикасини қайта ишлаб чиқишида, методик тадбирлар ташкил этиш, мактабгача таълимни янада яхшилаш ишига қаралади.

Кадрлар танлаш ва уларни янада ўстириш - бу бошқаришнинг ташкилий асосидир. «Кадрлар танлашда – ватанпарварлик, халқпарварлик туйғуси бугун жуда катта аҳамиятга эгадир» - дейилади Президентимиз И.А.Каримовнинг «Буюк мақсад йўлидан оғишмайлик» асарида.

#### Кадрларни тўғри танлашда:

- софдиллик нуқтаи назари билан;
- сиёсий-маънавий даражасига;
- ишга ақлий ёндошиш нуқтаи назари билан;
- маъмурий қобилияtlари нуқтаи назари билан.

Кадрларни илгари суриш ва уларни тўғри тақсимлашнинг моҳияти муҳимдир. Кадрларни танлаш ва уларни тарбия этиш умумдавлат ҳарактерга эга бўлиб, бу вазифаларни хал этишини илмий асосда олиб бориш керак.

Таълим соҳасида Давлат сиёсатининг асосий принциплари қайдагилар:

1. Таълим ва тарбиянинг инсонпарвар демократик ҳарактерда эканлиги;
2. Таълимнинг услуксизлиги ва изчилиги;
3. Ўрта маҳсус, касб-хунар таълим йўналишини академик лицейда ёки касб-хунар коллежида ўқиши танлашнинг ихтиёрийлиги;
4. Таълим тизимининг дунёвий ҳарактерда эканлиги;
5. Давлат таълим стандартлари доирасида таълим олишнинг ҳамма учун очиқлиги;
6. Таълим дастурини танлашга ягона ва табақалаштирилган ёндашув;
7. Билимли бўлиш ва истеъоддни рағбатлантириш;
8. Таълим тизимида давлат ва жамоа бошқарувини уйғулаштириш.

Бу устувор принципларга таянган ҳолда мактабгача таълимни бошқаришда:

1. Демократик халқпарварлик асосида, бунда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси Халқ таълими буйруқлари асосида ишларни ташкил этиш;
2. Якка бошчилик принципи 1 мақсадга қаратилган иш усули бўлиб, мактабгача таълим муассасалари йиллик иш режасини тўлиқ бажаришга қаратилган иш усулидир;
3. Ҳамкорлик принципи: жамоа билан биргаликда муаммоларни хал этишдир. Мутлоқ ҳамкорлик бекорга вақт ўтказмаслик, тезкорлик, уддабуронлик, фикрлашув натижалардир.

4. Аниқлик принципи: педагогик, методик ва хўжалик ишларини мақсадга қаратилган холда аник, пухта ташкил этиш, кузатиш ва таҳлил қилишидир;

5. Хўжаликни бошқариш принципи: бу сметадаги маблағларни тўғри тақсимлаш, иш юритишни тўғри ташкил этиш ва унинг устидан назоратни ташкил этишдан иборатdir;

6. Танқид ва ўз-ўзини танқид. Бу принципда раҳбар ўз ишига нисбатан талабчан, интизомли, меҳнат ва ишлаб чиқариш интизомига риоя қилиш, бажарадиган ишларга танқидий ёндашуви кўзда тутилади;

7. Фарқ қилмоқ принципи. Ишдаги ижобий ва салбий томонларни кўра олиш, илғор иш тажрибаларни кўра олишидир;

8. Янгиликни хис қила олиш принципи. Таълим соҳасидаги ўзгаришларни, янгиликларни ўз иш фаолиятида қўллай олиш.

Мактабгача таълимни ташкил этиш ва унга раҳбарлик қилиш соҳасининг методологик асосини: Ўзбекистан Республикасининг Конституцияси, «Таълим тўғрисида»ги Қонун, Кадрлар тайёрлаш Миллий Дастури, Мактабгача таълим тўғрисидаги Концепция ва Низомда кўрсатиб берилган мақсад ва вазифаларни ташкил этади. Мактабгача таълим муассасаси мустақил равища, ўз ташабbusи билан ўз фаолиятига тааллуқли, агар улар қонунчиликка ва педагогик принципларга монелик қилмаса, ҳар қандай қарор қабул қилишга хақлиdir.

Мактабгача тарбия муассасаси таълим-тарбиявий ишлар сифати, болалар ва ота-оналар хуқуқига, жамият ва давлат манфаатларига риоя қилиш учун маъсулдир.

Мактабгача тарбия муассасаси меҳнат жамоаси халқчилик асосида ўз-ўзини бошқариш принцига мувофиқ унинг фаолияти билан боглик барча масалаларни ҳал қиласди.

Мактабгача таълим муассасининг фаолияти бошқа муассасалар, корхоналар, ташкилотларнинг нормал иш шароитларини бузмаслиги, фуқаролар ҳаётини қийинлаштираслиги ва ёмонлаштираслиги зарур.

Узлуксиз таълим тизими ва кадрлар тайёрлашнинг давлат ва нодавлат таълим муассасаларини таркибий жиҳатдан ўзгаришиш ва уларни изчил ривожлантириш давлат йўли билан бошқариб борилади. Барча даражадаги таълим бошкарув органларининг ваколат доиралари «Таълим тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ белгиланади. Таълимнинг норматив-хуқуқ базаси ривожлантирилади. Молия-хўжалик фаолияти олиб бориш ҳамда таълим жараёнини ташкил этишда ўкув юртларининг хуқуqlари кенгаяди ва мустақиллиги таъминланади.

Таълим муассасалари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда аттестациядан ўтказилади ҳамда акредитацияланади. Аккредитация якунларига кўра таълим соҳасида фаолият кўрсатиш хуқуки берилади.

Муассис ташкилотларнинг, маҳаллий ҳокимият органларининг, савдо-саноат доираларининг, жамоат ташкилотларининг, фондларнинг ва хомийларнинг вакилларини ўз ичига оловчи васийлик ва кузатув кенгашлари тузиш орқали

таълим муассасаларининг самарали жамоат бошқаруви тизими жорий этилади.

### **Таянч тушунчалар:**

**Жамоат муассасалари** – ётоқхоналар, туар жойлардан фойдаланиш идоралари, маданий ва савдо марказларида оила эҳтиёжига қараб ташкил этиладиган муассаса.

**Тармоқ нормативи** – тармоқлар мейёри.

**Истиқбол режа** – узоқ муддатга тузиладиган режа.

**Смета** – молиявий ҳужжат.

**Мавсумий Мактабгача таълим муассасаси** – мавсумлар бўйича ташкил этиладиган мактабгача таълим муассасаси.

**Стил** – бошқариш услуби - шахсни психологик ҳарактери орқали бошқариш.

**Метод** – бошқариш усули.

**ХТБ** – Халқ таълими бўлимлари (туман, шаҳар, вилоят).

**МИТ** – меҳнатни илмий асосда ташкил этиш.

### **Мавзу юзасидан фойдаланилган адабиётлар:**

1. И.А.Каримов. Юксак маънавият – енгилмас куч. –Т.: Маънавият, 2008.
2. И.А.Каримов. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. –Т.: Ўзбекистон, 2000.
3. «Баркамол авлод йили» Давлат дастури. –Т.: Ўзбекистон, 2010.
4. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. –Т.: Ўзбекистон, 1998.
5. Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни. Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. –Т.: Шарқ, 1997.
6. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури. Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. –Т.: Шарқ, 1997.
7. А.Авлоний. Туркий гулистон ёхуд ахлоқ. –Т.: Ўқитувчи, 1992.
8. О.Ҳасанбоева. Педагогика тарихидан хрестоматия. –Т.: Ўқитувчи, 1993.
9. П.Юсупова. Мактабгача педагогика. –Т.: Ўқитувчи, 1993.
10. Учинчи минг йилликнинг боласи. Таянч дастур. –Т.: Маърифат-Мададкор, 1999.
11. Болангиз мактабга тайёрми? –Т.: Маърифат-Мададкор, 1999.

### **Назорат учун саволлар:**

1. Мактабгача таълимни режалаштиришнинг асосий босқичларини ёритиб бериш.
2. Режалаштириш турлари.
3. Халқ хўжалиги режалари лойиҳаларини тузиш таритиби қандай?
4. ХТБ - томонидан режалаштириш асослари нималардан иборат?
5. Смета нима?
6. Смета ҳаражатларини тузиш таритиби қандай?

7. Мавсумий ва ёзги соғломлаштирувчи сметалари қандай ва ким томонидан тузилади?
8. Метод ва стил нима?
9. Бошқариш принциплари нима ва уларни ёритиб беринг.
10. Бошқариш усули нима?
11. МТМда бу принниплардан фойдаланишининг аҳамияти нималардан иборат?

### **Мавзу юзасидан тест топшириқлари:**

1. Мактабгача таълимни молиявий таъминлаш қайси иш хужжатида кўрсатилган?
  - а) Мактабгача таълим муассасасининг сметаси
  - б) Мактабгача таълим муассасасининг йиллик иш режаси
  - в) Мактабгача таълим муассасасининг устави
  - г) Таълим тўғрисидаги Қонунда
2. Мактабгача таълимда тадбиркорлик фаолияти қайси қарорда белгилаб берилган?
  - а) Мактабгача таълим муассасасининг 212-сонли қарори
  - б) Халқ таълим вазирлигининг 2002 йил 414-сонли қарори
  - в) Вазирлар маҳкамасининг 1999 йил 414-сонли қарори
  - г) Мактабгача таълим тўғрисидаги қонунда
3. Мактабгача таълим муассасасида бошқариш тамойиллари бу...
  - а) Якка бошчилик, ҳамкорлик, танқид ва ўз-ўзини танқид
  - б) Ҳамкорлик, танқид ва ўз-ўзини танқид кучланишни бошқариш
  - в) Якка бошчилик, аниқлилик, ҳамкорлик, фарқ қилмоқ, хўжаликни бошқариш, танқид ва танқид, янгиликни ҳис этиш
  - г) Якка бошчилик, танқид ва ўз-ўзини танқидлаш
4. Таълим соҳасида давлат сиёсати қайси Қонунда белгилаб берилган?
  - а) Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида
  - б) Учинчи мингийилликнинг боласи дастурида
  - в) Таълим тўғрисидаги Қонунда
  - г) Мактабгача таълим тўғрисидаги Низомда
5. Мактабгача таълимни ташкил этиш ва уни раҳбарлик қилиш соҳасининг методологик асоси қайси бандда тўғри кўрсатилган?
  - а) Таълим соҳаси бўйича қабул қилинган барча қонун ҳужжатлари ва президент асарларида илгари сурилган илфор гоялар
  - б) Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, Таълим тўғрисидаги Қонун, Низом, Концепция, Устав.
  - в) Мактабгача таълим муассасалари тўғрисидаги Низом, Педагогика ва психология фани ютуқлари, концепция

г) Ҳамма жавоблар түғри

## **З-мавзу: МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ МУССАСАЛАРИ ВА УЛАРНИ ТАШКИЛ ЭТИШ**

### **Режа:**

1. Мактабгача таълим муассасаси мактабгача ёшдаги болаларни ижтимоий тарбия қиласиган Давлат корхонаси зканлиги.
2. Турли типдаги мактабгача таълим муассасасининг ташкилий тизимини белгилаб берувчи Давлат инструктив ҳужжатлари.
3. Мактабгача таълим муассасаси биноларини лойиҳалаштириш.
4. Нодавлат мактабгача таълим муассасасини ташкил этиш.

### ***3.1. Мактабгача таълим муассасаси мактабгача ёшдаги болаларни ижтимоий тарбия қиласиган Давлат корхонаси зканлиги.***

Мактабгача таълим муассасаси узлуксиз таълим тизимининг биринчи босқичи, мактабгача таълим Давлат жамоат тизимининг асосий бўғими, жамиятнинг энг муҳим ижтимоий бўлимидир. Мактабгача таълим муассаси мактабгача ёшидаги болаларни тарбиялаш ва ривожлантиришда, уларни мактабга тайёрлашда етакчи роль ўйнайди.

Мактабгача таълим муссасаси ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қарорлари ва бошқа ҳужжатларига, Узбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, «Мактабгача таълим муассасаси тўғрисида»ги Низомга ҳамда ўз Уставига амал қиласи.

Мактабгача таълим муссасаси оила ва жамиятнинг болаларга ғамхўрлик қилиш, миллий ва минтақа хусусиятларини ҳисобга олган холда хар томонлама баркамол қилиб тарбиялаш ва ривожлантиришга бўлган эҳтиёжни қондириш мақсадида ташкил этилади.

Мактабгача таълим муссасаси мустақил равишда, ўз ташаббуси билан ўз фаолиятига тааллуқли, агар улар қонунчиликка ва педагогик принципларга муйллик қилмаса ҳар қандай қарор қабул қилишга ҳақлидир.

Мактабгача таълим муссасаси таълим-тарбиявий ишлар сифати болалар ва ота-оналар хуқуқига жамият ва Давлат манфаатларига риоя қилиш учун маъсулдир.

Мактабгача таълим муассасаси меҳнат жамоаси халқчиллик асосида ўз-ўзини бошқариш принципига мувофиқ унинг жамият фаолияти билан боғлиқ масалаларни бирга ҳал қиласи.

Мактабгача таълим муассасасиларининг асосий типлари қуидагилардан иборат:

- а) умумий типдаги мактабгача таълим муссасаси;
- б) ихтисослаштиришган (жисмоний ва психик ривожланишида ҳар хил нуқсонлар мавжуд бўлган болалар учун);
- в) санатория типидаги (заиф, турли юқумли касалликларни бошдан кечирган, сурункали асосратларга эга бўлган болалар учун).

Етим болалар ва ота-онасининг қаровисиз қолган болалар учун меҳрибонлик уйлари, мактаб интернатлари ва аралаш типдаги болалар уйлари ҳузурида

мактабгача таълим гуруҳлари ташкил қилинади. Улар тегишли қонун-қоидалар билан белгиланади.

Турли типдаги мактабгача таълим муассасаларида Ўзбекистан Халқ таълими вазирлиги ҳамда соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланган инструктив директив хужжатлар ва Йўриқномалар асосида иш юритилган. Булар мактабгача таълим тўғрисидаги концепция ва Низомда белгилаб берилган.

Мактабгача таълим муассасаси лойиҳа бўйича қурилган ёки мослаштирилган СНИП нормаларига, ёнгин хавфсизлиги қидаларига жавоб берадиган ва об-ҳаво шароитини, экологик вазиятни таркиб топган миллий анъаналарини ҳисобга оладиган бинода ташкил этилади. Мактабгача таълим муассасасининг сифими 320 ўриндан ошмаслиги керак. Умумий йўналишдаги мактабгача таълим муассасалари учун 140 ўринли маҳсус аҳамиятга молик мактабгача таълим муассасаси учун 90-120 ўринни муқобил ҳисоблаш зарур. Лойиҳалашга қўйиладиган талаблар: бинолар шундай жойлашиши керакки, бино деразалари уфқ томонда, соябонлар бўлиши, кўкаламзор ерларга сув билан ўйнаш учун фонтанчали ховузчалар бўлиши, йўлаклар ва ўтиш жойларини қаттиқ нарса қоплаш, сув басейни 0,25 метр чукурликда, кўча шовқинидан узокда, мактабга яқин жойда, ёнгиндан қарши талабларга тўлиқ жавоб берадиган, иқлимий хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда лойиҳалаштирилади.

Мактабгача таълим муассасасига амалдаги қоидага биноан болаларга медицина хизмати кўрсатиш хукуқига эга. Уларга медицина хизмати кўрсатиш, маҳсус бириктирилган соғлиқни сақлаш бўлимлари ёки идораси қарам бўлган тегишли медицина муассасасини, медицина ходимлари томонидан амалга оширилади.

Медицина ходимлар боғча маъмурияти билан бир қаторда болаларнинг саломатлиги ва жисмоний ривожланиши, даволаш, профилактика тадбирларини ўтказиш, санитария гигиена нормаларига риоя қилиш, тарбияланувчиларнинг режими ва овқати сифати, уларнинг жисмоний ва ақлий юкламаларининг мейёри учун масъулдир.

Медицина ходимлари фаолиятини назорат қилиш маҳаллий соғлиқни сақлаш бўлимлари зиммасига юкланилади.

Мактабгача таълим муассасаси кимга бўйсунишидан қатъий назар халқ депутатлари маҳаллий совети рўйхатидан ўтилади. Мактабгача таълим муассасаси рўйхатдан ўтказгач, унга тартибли сони берилади ва у юридик шахс хукуқига эга бўлади.

Мактабгача таълим муассасаларини қайтадан тузиш (қўшиш, олиш, бирлаштириш, ажратиш, бўлиниш, қайта ташкил этиш) халқ таълими бўлимлари, корхона, муассаса, ташкилот тавсиясига кўра халқ депутатлари маҳаллий советлари қарори асосида амалга оширилади. У боғча меҳнат жамоаси ва халқ таълими кенгаши билан келишилган бўлиши лозим. Мактабгача таълим муассасаси турлича: типига, тузилишига қараб штат бирликларини, мақсад, окладларини тасдиқлайди.

Ота-оналар қўмитасининг асосий вазифалари, болалар боғчаси Уставида

кўрсатиб берилган.

Мактабгача таълим муассасаси Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан тасдиқланган кўп варианти таълимий дастурлардан бирини танлаш ҳуқуқига эга. Мактабгача таълим муассасаси тарбиявий таълим муассасаси бўлиб, социал вазифалар билан бир қаторда концепция, устав ва дастурига мувофиқ малакали таълим-тарбия беришни таъминлайди. Мактабгача таълим муассасаси ўз дастури ва методикасини ишлаб чиқиш ва амалий фаолиятда қўллаш ҳуқуқига зга. Уларни тасдиқланган тартиби Республика Халқ таълими вазирлиги томонидан белгиланади. Мактабгача таълим муассасаси тарбиячиси болаларни тарбиялаш ва ўқитиш бўйича қўлланмаларни ва методикани эркин танлаш ҳуқуқига эга.

«Учинчи минг йилликнинг боласи» дастури бўйича талабларни таништириш. Тажриба синов ишларни ташкил этиш, мустақил иш олиб бориши бўйича ишларини ташкил этишни тушунтириш.

Ихтисослаштирилган мактабгача таълим муассасаларини ташкил қилиш ва ривожланишида нуқсони бўлган болалар учун янги типдаги, йўналишдаги мактабгача таълим муассасаларини тузиш республика халқ таълимини бошқариш ва соғликни сақлаш органлари томонидан белгиланади.

Ихтисослаштирилган мактабгача таълим муассасалари иш хусусияти, уларга қабул қилиш қоидалари, болаларга таълим бериш ва уларга тарбиялашни ташкил қилиш Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Соғликни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланган тегишли йўриқномалар билан аниқланади.

### **Мактабгача таълим муассасасини бутлаш.**

Мактабгача таълим муассасасига болалар 2 ёшдан бошлаб 6-7 ёшгacha туман (шаҳар)лар ҳокимликларининг қарорлари билан ташкил этилган халқ таълими бўлимлари хузуридаги қабул қилиш комиссияси томонидан тегишли тиббиёт хulosаси ҳисобга олинган ҳолда қабул қилинида. Қабул комиссиясининг фаолият кўрсатиши тартиби белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Халқ таълим вазирлиги томонидан тасдиқланади.

Муассислар маҳаллий давлат ҳокимияти органлари бўлган Мактабгача таълим муассасасига болаларни қабул қилиш комиссиясининг қарорига биноан халқ таълими бўлимларининг йўл ланмалари асосида амалга оширилади.

Муассислари бошқа органлар бўлган мактабгача таълим муассасаларига болаларни қабул қилиш уларнинг муассислари томонидан белгиланадиган тартибда амалга оширилади. Бўш ўринлар мавжуд бўлган тақдирда ушбу Мактабгача таълим муассасалари болаларни халқ таълими бўлимларининг йўллланмалари бўйича шартнома асосида қабул қилиши мумкин.

Мактабгача таълим муассасасига болалрни қабул қилиш тартиби муассис томонидан белгиланади: Қўйидаги болалар:

- I ва II гурух ногиронлари;
- кўп болали оиласарнинг болалари;
- харбий хизатчиларнинг болалари;
- талabalар ва педагогларнинг болалари Мактабгача таълим муассасаларига

қабул қилишда имтиёзлардан фойдаланадилар.

Қабул комиссияси шунингдек, ота-оналари мактабгача таълим муассасасининг моддий-техник базасини мустаҳкамлашда ёрдам берган болаларни истесно тариқасида навбатдан ташқари қабул қилиши мумкин. Бундай болалар контингенти мактабгача таълим муассасаси режадаги қуввати умумий сонининг 20 фоиздан ортиқ бўлмаслиги керак.

Мактабгача таълим муассасасида гурухлар сони муассасанинг қувватидан ва гурухларнинг режали тўлдирилишидан келиб чиқиб муассис томонидан қуидагича белгиланади:

2 ёшдан 3 ёшгacha – камида – 15 бола, бироқ 20 боладан ортиқ эмас.

3 ёшдан 6-7 ёшгacha – камида – 20 бола, бироқ 25 боладан ортиқ эмас.

Ихтисослаштирилган ва санитария йўналишидаги мактабгача таълим муассасаларида гурухларнинг тўлдирилиши болаларнинг тоифасига ваёшига (икки ёшдан бошлаб ва уч ёдан катта ёшдагилар) қараб белгиланади ва тегишли равишда қуидагичани ташкил этади:

- Нутқи оғир нуқсонли болалар учун – 10-12 бола;
- Нутқи фонетик-фонематик нуқсонли болалар учун фақат уч ёшдан катта ёшдаги болалар учун -12-15 бола;
- Кар болалар учун – 8 бола;
- Яхши эшитмайдиган болалар учун – 10-12 бола;
- Кўзи ожиз болалар учун – 6 бола;
- Яхши кўрмайдиган болалар, амблиопияли, филай болалар учун – 6-10 бола;
- Таянч-ҳаракатланиш аъзоси бузилган болалар учун – 6-10 бола;
- Интелекти бузилган (акли норосо) 3 ёшгacha болалар учун – 6 бола;
- Уч ёшдан катта ёшдаги акли заиф болалар учун – 10 бола;
- Сил интоксикацияси мавжуд бўлган болалар учун – 15-20 бола;
- Мураккаб нуқсонли (икки ва ундан ортиқ нуқсонли) болалар учун – 8-10 бола;
- Ривожланишида бошқача нуқсонлари (эндикрин касалликлар) мавжуд бўлган болалар учун – 15-20 бола.

Гурухларни бошқа ёшдаги гурухдан ўтган болалар билан тўлдириш ўқув йили охирида (август ойида), янги қабул қилинаётганлар билан тўлдириш эса ўринлар бўшашига қараб амалга оширилади.

Мактабгача таълим муассасаси ўқув йили ҳар йили 2 сентябрдан бошланади, кейинги йилнинг 1 июнида тугалланади ва янги ўқув йи ли бошлангунга қадар соғломлаштириш даври бошланади.

Мактабгача таълим муассасаси халқ таълимини бошқариш органлари ёки қарамоғида ушбу мактабгача таълим муассасаси бўлган корхона, муассаса, ташкилот томонидан комплектланади. Махаллий бошқариш органлари қарори билан комплектлашнинг бошқа тартиби қабул қилиниши мумкин.

Болаларни мактабгача таълим муассасаларига ва махсус аҳамиятга молик махсус гурухларга йўллаш республика, вилоят, шаҳар, туман медицина-педагогика комиссиялари, санатория типидаги мактабгача таълим муассасаларига эса худудий даволаш-профилактика муассасаси.

Болаларни давлат мактабгача таълим муассасасидан чиқариш халқ таълими

кенгаши томонидан қуидаги ҳолатларда: боланинг мазкур мактабгача таълим муассасасида қолишиги тўсқинлик қилувчи медицина холосаси асосида; бола мактабгача таълим муассасасига сабабсиз бир ойдан кўпроқ вақт мобайнида қолмаса, унга хизмат кўрсатиш учун ҳақ тўлашнинг белгиланган муддатидан икки ҳафта ўтиб кетса; ота-оналар ёки улар ўрнини босувчи шахслар хоҳишига қараб амалга оширилади. Ота-оналар боланинг чиқарилиши ҳақида 7 кун олдин хабардор қилинадилар.

Ота-онанинг иш жойи ўзгариши муносабати билан болани мактабгача таълим муассасасидан чиқариш, агар бу шартномада кўрсатилмаган бўлса, катъий ман этилади.

Тарбиячилар ва ота-оналарнинг бу нормаларига асосланган муносабатлари амалдаги қонунчилик ва бола мактабгача таълим муассасасига қабул қилинаётганда томонларнинг ўзаро келишувига биноан тузилади, шартнома билан бошқарилади. Шартнома бўйича мажбуриятларнинг бажарилмаслиги юзасидан халқ таълими кенгашига ёки судга шикоят билан мурожаат қилиш мумкин.

### ***3.2. Турли типдаги мактабгача таълим муассасасининг ташкилий тизимини белгилаб берувчи Давлат инструктив хужжатлари.***

Мактабгача таълим муассасаси муассис томонидан ташкил этилади ва қонун хужжатларида белгиланган тартибда рўйхатда ўтказилади<sup>1</sup>. Қуидагилар:

- давлат бошқаруви органлари;
- махаллий давлат хокимияти органлари;
- давлат корхоналари;
- қонун хужжатларига мувофиқ бошқа давлат ташкилотлари давлат мактабгача таълим муассасасининг муассислари бўлиши мумкин.

Мактабгача таълим муассасалари ўз ишининг ўзига хослигига мувофиқ қуидаги типларга бўлинади:

- умумий типдаги мактабгача таълим муассасалари;
- ихтисолаштирилган (жисмоний ва психик ривожланишида ҳар хил нуқсонлар мавжуд бўлган болалар учун);
- санаторий типидаги (заиф, турли юқумли касалликларни бошдан кечирган, сурункали асосратларга эга бўлган болалар учун);

Мактабгача таълим муассасаси ўз уставига, банк муассасаларида ҳисоб рақамига, Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тасвири туширилган ва ўз номи кўрсатилган муҳрга, юридик манзили кўрсатилган штампга эга бўлади.

Мактабгача таълим муассасасини аккредитация қилишавлат ваколатли органи томонидан аттестация асосида амалга оширилади.

Мактабгача таълим муассасаси белгиланган давлат нормативларига ва мактабгача таълим муассасасига қўйиладиган талабларга мувофиқ болаларни тарбиялашни, ўқитишни, уларга қараб тури шва уларни парварлиш қилишни ҳамда соғломлаштиришни таъминлайди.

Мактабгача таълим муассасаларида таълим мазмуни Ўзбекистон

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси давлат «Мактабгача таълим муссасаси тўғрисида»ги Низом. –Т., 2007. 26 бет.

Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан тасдиқланган ёки тавсия қилинган дастурлар билан белгиланади. Мактабгача таълим муассасаси ўз (муаллифлик) дастуридан фойдаланишга ҳақлидир. Бундай дастурларни тасдиқлаш тартиби Ўзбекистон Республикаси Халқ аълими вазирлиги томонидан белгиланади.

Мактабгача таълим муассасасининг иш режим ива у ерда қанча вақт бўлиши Мактабгача таълим муассасаси устави ва муассиснинг қарори билан белгиланади. Мактабгача таълим муассасаси (гурух)нинг кундузги ва кечки вақтларда ҳамда кечаю-кундуз фаолият кўрсатишига йўл қўйилади.

Мактабгача таълим муассасасида болаларни ўқитиш ва тарбиялаш давлат тилида ва «Давлат тили ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Конунига мувофиқ бошқа тилларда олиб борилади.

Мактабгача таълим муассасасида овқатланишни ташкил этиш Мактабгача таълим муассасасига юкланди ҳамда Ўзбекистон Республиксидаги тасдиқланган санитария қоидалари ва нормаларига мувофиқ амалга оширилади.

Болаларга тиббий хизмат кўрсатиш ҳам штатдаги тиббиёт ходимлари ҳам Мактабгача таълим муассасаларига бириктирилган соғлиқни сақлаш органларининг тиббиёт ходимлари томонидан таъминланади, улар Мактабгача таълим муассасаси ходимлари билан биргаликда болаларнинг ҳаёти, соғлиғи ва жисмоний ривожланиши, даволаш-профилактика тадбирлари ўтказилиши, санитария-гигиена нормаларига, овқатланиш режим ива сифатига риоя қилиниши учун жавоб берадилар.

Тиббиёт ходимлари фаолиятини назорат қилиш махаллий соғлиқни сақлаш органларига юкланди. Мактабгача таълим муассасаси тиббиёт ходимиға хона беради ва унинг Иш лаши учун тегишли шарт-шароитлар яратади.

Мактабгача таълим муассасасининг штатдаги ходимлари соғлиқни сақлаш органларида бепул тиббий кўрикдан ўтадилар, бунинг учун сарфланадиган ҳаражатлар давлат томонидан ажратилган маблағлар доирасида белгиланади.

Мактабгача таълим муассасаларида болаларнинг ҳаёти ва соғлиғини муҳофаза қилишни ташкил этиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан биргаликда белгиланади.

Мактабгача таълим муассасаси уставида қайд этилган ўз мақсадларини ва вазифаларини бажариш учун ота-оналар ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар билан тузилган шартномалар асосида оиланинг эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда асосий таълим дастурларидан ташқари қўшимча пули таълим хизматлари кўрсатишига ҳақлидирлар. Пулли таълим хизматлари муассис томонидан молиялаштирилдиган асосий таълим фаолиятини унинг доирасида кўрсатилиши мумкин эмас.

**Мактабгача таълим муассасасининг таълим-тарбиявий ишлар соҳасидаги хуқуқ ва бурчлари.**

Мактабгача таълим муассасасида болалар, ота-оналар ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар ва педагог ходимлар таълим жараёнининг қатнашчилари ҳисобланади.

Мактабгача таълим муассасасида васийлик кенгашлари ташкил этилади, уларни сайлаш тартиби ва уларнинг ваколатлари мактабгача таълим муассасасининг уставларида белгиланади. Васийлик кенгашларининг фаолияти белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан тасдиқланадиган кенгаши тўғрисидаги намунавий низом асосида амалга оширилади.

Болаларни қабул қилишда мактабгача таълим муассасаси ота-оналари ёки уларнинг ўрнини босувчи шахсларни муассасанинг устави ва унинг фаолиятини тартибга соладиган бошқа ҳужжатлар билан таништирилиши шарт.

Мактабгача таълим муассасаси билан ота-оналар ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар ўртасидаги ўзаро муносабатлар шартнома билан тартибга солинади. Шартнома ўқитиш, тарбиялаш, қараб туриш ва парвариш қилиш жараёнида пайдо бўладиган томонларнинг ҳукуқлари, мажбуриятлари ва жавобгарлигини ўз ичига олади.

Ота-оналар ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар:

- Ўз болалар учун ўқитиш ва тарбиялашнинг шаклларини, мактабгача таълим муассасалари типини ва таълим бериш тилини танлаш;
- Мактабгача таълим муассасаси маъмуриятидан мактабгача таълим муассасасининг уставига мувофиқ бўлган зарур шарт-шароитлар таъминланишини талаб қилиш;
- Боланинг шахсига нисбатан ҳурмат билан муносабатда бўлишни талаб қилиш;
- Болаларнинг болалар мактабгача таълим муассасасидаги ҳаёт кечиришини ташкил этишда фаол иштирок этиш;
- Режим доирасида улар учун қулай бўлган исталган вақтда болаларни мактабгача таълим муассасасига олиб келиш ва ундан олиб кетиш ҳукуқига эга;
- Ота-оналар ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар қонун ҳужжатларига ва шартномага мувофиқ бошқа ҳукуқларга ҳам эга бўлишлари мумкин.

Ота-оналар ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар қуидагиларга мажбур:

- Болаларнинг жисмоний ва психик соғлиғи учун ғамхўрлик қилиш;
- Боланинг қадр-қимматига ҳурмат билан муносабатда бўлиш, унда меҳнатсеварлик, эзгулик, меҳр-шавқат фазилатларини, ўзидан ката ёшдагиларга ҳурмат билан муносабатда бўлиш туйғуларини тарбиялаш;
- Белгиланган нормативларга мувофиқ болалар боғчасида боланинг таъминотига тўловни ўз вақтида тўлаш;
- Болаларни оиласда тарбиялаш учун зарур шартшароитларни таъминлаш;
- Болаларнинг тўлақонли овқатланишини, уларда шахсий гигиена қўникмаларини шакллантирилишини қатъий кузатиб бориш, болани мактабгача таълим муассасасига озода кийинган холда олиб келиш.

— Ота-оналар ёки уларнинг ўрнини босувичи шахслар қонун хужжатлариға ва шартномага мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам олишлари мумкин.

Мактабгача таълим муассасаси тарбияланувчиси ва ходимлари ўртасидаги муносабатлар ўзаро ҳамкорлик, боланинг шахсини ҳурмат қилиш ва унга шахсий хусусиятлариға мувофиқ ривожланиши учун эркинлик бериш асосида олиб борилади.

Мактабгача таълим муассасаси жамоасини бутлаштартиби намунавий штат жадвалига мувофиқ белгиланади.

Тегишли педагогик маълумотига, касбий тайёргарликка ва юксак ахлоқий сифатларга эга бўлган шахслар педагогик фаолияти билан шугулланиш ҳуқуқига эга.

Суд хукми ёки тиббий хulosага мувофиқ педагогик фаолият билан шуғулланиши тақиқланган шахсларни ушбу фаолият билан шуғулланишига йўл кўйилмайди.

### ***3.3. Мактабгача таълим муассасаси биноларини лойихалаштириши.***

Мактабгача таълим муассасаси маҳсус лойиҳа бўйича қурилган ёки мослашган СНИП нормалариға, ёнғин хавфсизлиги қоидалариға жавоб берадиган ва об-ҳаво шароитини, экологик вазиятини, таркиб топган миллий анъаналарни ҳисобга оладиган бинода ташкил этилади.

Мактабгача таълим муассасасининг сифими, одатда 320 ўринли бўлиши керак. Умумий йўналишдаги мактабгача таълим муассасалари учун 140-160 ўринни, маҳсус аҳамиятга молик мактабгача таълим муассасалари учун 90-120 ўринли мувофиқ деб ҳисоблаш зарур.

Мактабгача таълим муассасаси амалдаги нормативларга мувофиқ юмшоқ ва қаттиқ спорт жиҳозлари, медицина аппарати, таълимнинг техник воситалари, ўқув-кўргазмали қўлланмалар ҳамда ўйинчоқлар билан таъминланади мактабгача таълим муассасасини жиҳозлаш рўйхатига миллий анжомлар ҳам киради.

Мактабгача таълим муассасаси иш тартиби ижроия комитет халқ таълими бошқармаси ёки қарамоғида мактабгача таълим муассасаси бўлган корхона, муассаса, ташкилот тавсиясига мувофиқ халқ таълими кенгаши, мактабгача таълим муассасаси кенгаши билан келишилган холда халқ депутатлари мажаллий Советлари қарори билан белгиланади.

Мактабгача таълим муассасалари ёки унинг айрим гурухлари ҳафтасига 5, 6 ва 7 кун кундузги ва болалар сутка мобайнида бўладиган, бир ёки икки кунлик дам олиш кунлари билан, шунингдек, ходимларга сирғалувчи график бўйича дам олиш куни бериладиган режимда ишлашлари мумкин.

Ихтисослаштирилган мактабгача таълим муассасасида куни узайтирилган кун, шунингдек, шанба, якшанба ва байрам кунлари режимида эрталаб ва кечки вақтда ишловчи навбатчи гурухлар очилиши мумкин.

Маҳсус аҳамиятга молик мактабгача таълим муассасасининг фаолият режими зарур тўғрилаш-тарбиявий ишлар олиб боришни ҳисобга олган холда

белгиланади.

Ўзбекистонда ижтимоий мактабгача таълим муассасаларини ҳал этиш мактабгача таълим муассасаларининг ҳар хил турларини ташкил этилган ҳам алоқадордир. Улар тилга кўра (ўзбек, қозоқ, рус, татар, корейс ва шу кабилар) фарқланиши ва бу боғчаларда таълим-тарбиянинг миллий анъаналарга асосланиб кўрилиши лозим.

Болалар боғчалари боланинг боғчада бўлишига қараб бир неча соатни, бир неча кунни;

Тарбия вазифаларига кўра эса ижодий, ёрдамчи, умумий, социал мослаштирилган бўлади.

Маблағ билан таъминланишига қараб: давлат, идора, хусусий ва ҳоказо.

Ижтимоий мактабгача таълим муассасалари қишлоқлари боғчасида 40-100, шаҳар боғчасида 140-170 ўриндан ошмаслиги кўзда тутилади.

Мактабгача таълим муассасаси, шу жумладан, унинг айрим гуруҳлари ишининг давомийлиги, бошланиши ва тугаши ота-оналарнинг эҳтиежини ҳисобга олган ҳолда белгиланади. Аммо у эрталабки 6.30 дан барвақт бўлмаслиги керак.

Мактабгача таълим муассасасида ота-оналар аризаси бўйича ҳалқ депутатлари совети қарори билан, шу жумладан, шартнома ва хўжалик ҳисоби асосида иш 6 соатдан кам давом этилган қисқа муддатли гуруҳлар; ота-оналар болаларини 1-2 соатга қолдирадиган гуруҳлар; сайд гуруҳлари; жисмоний тарбия-соғломлаштириш гуруҳлари; мусиқа-эстетик ва бадиий тарбиялаш, ақлий ва жисмоний ривожланишдан орқада қолган болалар учун хўжалик ҳисоби асосида ишлайдиган гуруҳлар очилиши мумкин. Бунда мазкур мактабгача таълим муассасасига мунтазам қатнайдиган болаларнинг манфаатлари камситилмаслиги лозим. Мактабгача таълим муассасасининг таълим тили Ўзбекистон республикасининг давлат тили ҳақидаги қонунга мувофиқ белгиланади.

Ота-оналар ўз болаларини мактабгача таълим муассасаси тарбиячиларини илгаридан огоҳлантирилган ҳолда ўзлари учун қулай пайтда олиб келишлари ва олиб кетишлари мумкин. Шу билан бирга, ота-оналар мактабгача таълим муассасасида болалар ҳаётининг физиологик асосланган кун тартибига риоя қилишлари ва ўқув-тарбия жараёнини бузмасликлари лозим.

Мактабгача таълим муассасасида болаларни овқатлантириш унинг иш куни давомийлигини ҳисобга олган ҳолда ва белгаланган пул ҳамда табиий нормаларга мувофиқ ташкил қилинади. Болалар 6 ва ундан кам соат мобайнида бўладиган гуруҳларда овқатланишни ташкил қилиш, унинг шакли ва неча марталиги ота-оналар билан келишувга биноан белгиланади. Бу гуруҳларда овқатлантириш учун пул нормалари ҳалқ депутатлари кенгашлари ва қарамоғида ушбу мактабгача таълим муассасаси бўлган корхона, муассаса, ташкилот, хўжалик ҳисоби асосида ташкил қилинган гуруҳларда ота-оналар томонидан белгиланади.

Мактабгача таълим муассасаси:

— ўз Уставида назарда тутилган функцияларнинг бажарилмаганлиги;

- таълим дастурининг тўлиқ ҳажмда бажарилмаганлиги, амалга оширилаётган таълим дастурларининг сифати;
- таълим жараёнини ташкил этишнинг қўлланилаётган шакллари, методлари ва воситаларининг болаларнинг ёш, руҳий-физиологик хусусиятларига, қобилиятига, лаёқатига, қизиқишиларига ва эҳтиёжларига номувофиқлиги;
- муассасада тарбиялананаётган болаларнинг таълим жараёни вақтида ҳаёти ва соғлиғи учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб беради.

### ***3.4. Нодавлат мактабгача таълим муассасасини ташкил этиши***

Нодавлат мактабгача таълим муассасаси ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қарорлари ва бошқа ҳужжатларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, бошқа норматив-хуқуқий ҳужжатларга, шунингдек «Ўзбекистон Республикасида нодавлат мактабгача таълим муассасаси тўғрисида»ги Низомга амал қиласди.

Нодавлат мактабгача таълим муассасасининг устави Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 5 январдаги 5-сон қарори билан тасдиқланган Таълим муассасаси уставини ишлаб чиқиш тартибиға мувофиқ ишлаб чиқиласди, унинг муассиси томонидан тасдиқланади ва тегишли давлат органларида рўйхатдан ўтказиласди.

Нодавлат мактабгача таълим муассасаси таълим-тарбия ва соғломлаштириш муассасаси ҳисобланади, қуидагилар унинг асосий вазифалари ҳисобланади:

- болаларнинг ҳаётини муҳофаза қилиш ва соғлигини мустаҳкамлаш;
- боланинг шахси асосларини шакллантириш, унинг билимга қизиқишиларини ривожлантириш;
- боланинг интеллектуал, шахсий ва жисмоний ривожланишини таъминлаш;
- боланинг ривожланишидаги нуқсонларни зарур тарзда тузатиш;
- боланинг миллий маданият ва умуминсоний қадриятлар билан таништириш;
- болаларни мактабда ўқишига тайёрлаш.

Нодавлат мактабгача таълим муассасаси муассаса сифатидаги ташкилий-хуқуқий шаклда ташкил этиласди ва қонун ҳужжатларига мувофиқ фаолият кўрсатади. Юридик ва жисмоний шахслар, шу жумладан нодавлат мулкчилик шаклидаги юридик ва жисмоний шахслар нодавлат мактабгача таълим муассасасининг муассислари бўлишлари мумкин.

Нодавлат мактабгача таълим муассасаси юридик шахс мақомига эга бўлади, мустақил молия-хўжалик фаолиятини амалга оширади, думалоқ мухрга, бурчакли штампга ва ўз логотипи ёзилган бланкага эга бўлади.

Нодавлат мактабгача таълим муассасаси қонун хужжатларига мувофиқ белгиланган тартибда лицензия олган вақтдан бошлаб таълим фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқига эга бўлади.

Нодавлат мактабгача таълим муассасасини аккредитация қилиш ваколати давлат органи томонидан, аттестация асосида амалга оширилади.

Нодавлат мактабгача таълим муассасасида таълим ва тарбия дунёвий хусусиятга эга бўлади.

Нодавлат мактабгача таълим муассасасида таълим мазмуни Ўзбекистон республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан тавсия қилинган дастурлар билан белгиланади. Муассаса ўз (муаллифлик) дастуридан фойдаланишга ҳақлидир. Ушбу дастурларни тасдиқлаш тартиби Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан белгиланади.

Нодавлат мактабгача таълим муассасасининг иш режим ива болаларнинг уерда қанча вақт бўлиши муассаса уставида ҳамда муассаса раҳбари (ёхуд муассис) била нота-оналар ёки уларнинг ўнувуб босувчи шахслар ўртасида тузилган шартномада белгиланади.

Нодавлат мактабгача таълим муассасасида болаларни ўқитиш ва тарбиялаш давлат тилида ва «Давлат тили ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ бошқа тилларда олиб борилади.

Нодавлат мактабгача таълим муассасаси тарбияланувчиларига тиббий ёрдам кўрсатиш штатдаги ёки соғлиқни сақлаш органларининг шартнома асосида махсус бириктирилган тиббиёт ходимлари томонидан амалга оширилади.

Тиббиёт ходимлари нодавлат мактабгача таълим муассасаси ходимлари билан ,bhufkbrlf болаларнинг ҳаёти, соғлиғи ва жисмоний ривожланиши, даволаш-профлактика тадбирлари ўтказилиши, санитария-гигиена нормаларига, овқатланиш режим ива сифатига риоя қилиниши учун жавоб берадилар. Нодавлат мактабгача таълим муассасаси ходимларини тиббий krhbrlfy ўтказиш шартнома асосида амалга оширилади.

Нодавлат мактабгача таълим муассасасида болаларнинг овқатланиши Ўзбекистон республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланган тиббиёт, санитария-гигиена нормалари ва талаблари асосида амалга оширилади.

Нодавлат мактабгача таълим муассасаси таълимнинг узлуксизлигини таъминлаш мақсадида шартнома асосида ўз фаолиятини умумий ўрта таълим муассасалари билан биргаликда амалга ошириши мумкин.

Нодавлат мактабгача таълим муассасасига болалар 2 ёшдан бошлаб 6-7 ёшгача тегишли тиббий хулоса ҳисобга олинган ҳолда қабул қилинади.

Нодавлат мактабгача таълим муассасасига болаларни қабул қилиш ва уларнинг чиқиб кетиши тартиби нодавлат мактабгача таълим муассасасининг устави билан белгиланади.

Нодавлат муассаса гурӯхларидаги болалар сони давлат мактабгача таълим муассасалари учун белгиланган сондан ортиқ бўлмаслиги керак.

Махсус педагогик маълумотли шахслар нодавлат мактабгача таълим муассасасида педагогик фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқига эгадир. Суд томонидан ёки тиббий хulosага мувофиқ бундай фаолият билан шуғулланиши таъзиқланган шахслар педагогик фаолиятга қўйилмайдилар. Нодавлат мактабгача таълим муассасаси раҳбари белгиланган тартибда педагог кадрлар малакасини оширишни ва уларни қайта тайёрлашни таъминлайди, уларнинг шаъни ва қадр-қимматини ҳимоя қиласди, илғор педагогик ва ахборот технологиялари, муаллифлик дастурлари, методик қўлланмалар ва дидактик материаллар жорий этилиши учун шарт-шароитлар яратади.

Нодавлат мактабгача таълим муассасасининг педагоглари ва бошқа ходимлар билан меҳнат шартномалари тузиш ва уларни бекор қилиш қонун хужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

Нодавлат мактабгача таълим муассасасида болалар, ота-оналар ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар ва педагог одимлар таълим жараёнининг қатнашчилари ҳисобланади.

Нодавлат мактабгача таълим муассасасида васийлик кенгашлари ташкил этилади, уларни сайлаш тартиби ва уларнинг ваколатлари мактабгача таълим муассасаларининг уставларида белгиланади.

Болаларни қабул қилишда нодавлат мактабгача таълим муассасаси ота-оналарни ёки уларни ўрнини босувчи шахсларни муассасанинг устави ва унинг фаолиятини тартибга соладиган бошқа хужжатлар билан таништириши шарт.

Нодавлат мактабгача таълим муассасаси билан ота-оналар ёки уларнинг ўрнгини босувич шахслар ўртасидаги ўзаро муносабатлар нодавлат мактабгача таълим муассасасининг устави ва шартнома билан тартибга солинади. Шартнома ўқитиш, тарбиялаш, қараб туриш ва парварлик қилиш жараёнида пайдо бўладиган томонларнинг ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва жавобгарлигини ўз ичига олади.

Ота-оналар ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар:

- ўз болалари учун ўқитиш ва тарбиялашнинг шаклларини, болалар мактабгача таълим муассасалари типини ва таълим бериш тилини танлаш;
- болалар мактабгача таълим муассасаси маъмуриятидан мактабгача таълим муассасасининг уставига мувофиқ бўлган зарур шарт-шароитлар яратилишини талаб қилиш;
- боланинг шахсига нисбатан хурмат билан муносабатда бўлишни талаб қилиш;
- болаларнинг болалар мактабгача таълим муассасасида ҳаёт кечиришини ташкил этишда фаол иштирок этиш;
- режим доирасида улар учун қулай бўлган исталган вактда болаларни мактабгача таълим муассасасига олиб келиш ва ундан олиб кетиш ҳуқуқига эга.
- ота-оналар ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар қонун

хужжатларига ва шартномага мувофиқ бошқа хуқуқларга ҳам эга бўлишлари мумкин.

Ота-оналар ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар қуидагиларга мажбур:

- болаларнинг жисмоний ва психик жиҳатдан соғлом бўлиши тўғрисида ғамхўрлик қилиши;
- боланинг қадр-қимматига хурмат билан муносабатда бўлиш, унда меҳнатсеварлик, эзгулик, меҳр-шавқат фазилатларини, ўзидан ката ёшдагиларга хурмат билан муносабатда бўлиш туйғуларини тарбиялаш;
- белгиланган нормативларга мувофиқ мактабгача таълим муассасасида боланинг таъминотига тўловни ўз вақтида тўлаш;
- болаларни оиласда тарбиялаш учун зарур шарт-шароитларни таъминлаш;
- болаларнинг тўлақонли овқатланиши, уларда шахсий гигиена кўнималарини шакллантирилишини қатъий кузатиб бориш, болани мактабгача таълим муассасасига озода кийинга холда олиб келиш;
- ота-оналар ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар қонун хужжатларига ва шартномага мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам олиши мумкин.

Мактабгача таълим муассасаси тарбияланувчиси ва ходими ўртасидаги муносабатлар ўзаро ҳамкорлик, боланинг шахсини ҳурмат қилиш ва унга шахсий хусусиятларига мувофиқ ривожланиши учун эркинлик бериш асосида олиб борилади.

Мактабгача таълим муассасасида ўқув йили ҳар йили 2 сентябрдан бошланади, кейинги йилнинг 1 июнида туталланади ва янги ўқув йили бошлангунга қадар соғломлаштириш даври бошланади<sup>2</sup>.

### **Таянч тушунчалар:**

**Комплектлаш** – мактабгача таълим муассасасини болалар билан тўлдириш, муассасалар.

**Ихтисослаштирилган МТМ** – ақлий ва жисмоний ривожланишда нуқсонлари бўлган болалар учун ташкил этилади.

**Муассаса филиали** – муассаса бўлинмаси.

**Этика нормалари** – ахлоқ-одоб меъёрлари.

**Уфқ томон** – қуёш тоқиси.

**Режим** – кун тартиби.

### **Мавзу юзасидан фойдаланилган адабиётлар:**

1. И.А.Каримов. Юксак маънавият – енгилмас куч. –Т.: Маънавият, 2008.
2. И.А.Каримов. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. –Т.: Ўзбекистон, 2000.

<sup>2</sup> «Ўзбекистон Республикасида нодавлат мактабгача таълим муассасаси тўғрисида»ги Низом. –Т., 2008. 35-38 бетлар.

3. «Баркамол авлод йили» Давлат дастури. –Т.: Ўзбекистон, 2010.
4. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. –Т.: Ўзбекистон, 1998.
5. Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни. Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. –Т.: Шарқ, 1997.
6. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури. Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. –Т.: Шарқ, 1997.
7. А.Авлоний. Туркий гулистон ёҳуд ахлоқ. –Т.: Ўқитувчи, 1992.
8. О.Ҳасанбоева. Педагогика тарихидан хрестоматия. –Т.: Ўқитувчи, 1993.
9. П.Юсупова. Мактабгача педагогика. –Т.: Ўқитувчи, 1993.
10. Учинчи минг йилликнинг боласи. Таянч дастур. –Т.: Маърифат-Мададкор, 1999.
11. Болангиз мактабга тайёрми? –Т.: Маърифат-Мададкор, 1999.

#### **Назорат учун саволлар:**

1. Мактабгача таълим муассасалари қандай мақсадларда ташкил этилади?
2. Биноларни лойиҳалаштиришда нималарга аҳамият берилади?
3. Давлат инструктив ҳужжатларга қайси ҳужжатлар киради?
4. Ота-оналар қўмитасининг асосий вазифалари нимадан иборат?
5. Мактабгача таълим ва таълим дастури мазмунини ёритиб беринг.

#### **Мавзу юзасидан тест топшириқлари:**

1. Ўзбекистон Республикасида таълим турларини аниқланг.
  - а) Мактабгача таълим, умумий ўрта таълим, ўрта-махсус таълим, олий таълим, олий ўқув юртидан кейинги таълим, кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш
  - б) Мактабгача таълим, бошланғич, касб-хунар, лицей, олий таълим, малака ошириш
  - в) Мактаб, боғча, коллеж, олий таълим
  - г) Мактабгача таълим, мактаб коллеж, олий таълим
2. Таълим жараёнининг қатнашчилари ва уларнинг ҳуқуқ ва бурчлари қайси қонун ҳужжатда белгиланган?
  - а) Таълим тўғрисидаги Қонунда
  - б) Мактабгача таълим муассасалари тўғрисидаги Низомда
  - в) Мактабгача таълим Концепциясида)
  - г) Кадрлар тайёрлаш Миллий Даствурида
3. Мактабгача таълимнинг турлари ва йўналишларини аниқланг.
  - а) Болалар боғчаси, мактабгача таълим муассасалари, мактабгача таълим массасалари мактаб, нодавлат болалар мажмуаси, умумий йўналишдаги мактабгача таълим муассасалари
  - б) Мактаб-боғча мажмуаси, санатория болалар боғчалари, логопедик болалар

муассасалари

- в) Арапаш турдаги болалар муассасалари, ходадон болалар муассасалари
- г) Тил ўргатиши, руҳий ва жисмоний ривожланишдан камчилиги бор бўлган болалар учун болалар муассасалари

4. Қисқа муддатли гуруҳларнинг турлари қайси бандда тўғри ёритилган?

- а) “Арапаш гуруҳлар”, “Келажак ўқувчи”, “Муаммоли бола”
- б) “Келажак ўқувчи”, “Интеграллашган гурух”, “Муаммоли бола”
- в) “Интеграллашган бола”, “Жадаллаштирилган гурух”, “Арапаш гурух”
- г) “Намунавий гурух”, “Арапаш гурух”, “Интеграллашган гурух”,

5. Нодавлат мактабгача таълим муассасасини муассислари кимлар ҳисобланади?

- а) Юридик ва жисмоний шахслар;
- б) Корхона ва фермерчилик, давлат хўжаликлари;
- в) Мустақил фаолият кўрсатувчи хўжалик ташкилотлари;
- г) Аккредитация қилиш ваколатли органлар;

## **КОРРЕКЦИОН (МАХСУС) ПЕДАГОГИКА АСОСЛАРИ**

Коррекцион педагогиканинг предмети, вазифалари ва моҳияти. Ривожланишида турли нуқсон (камчилик)лар бўлган ўқувчиларни коррекцион ўқитиш ва тарбиялаш билан коррекцион педагогика (дефектология) шуғулланади. Коррекцион (маҳсус) педагогика (дефектология) - юонча *defectus* – нуқсон, камчилик, *logos* – фан, таълимот) – ривожланишида жисмоний ёки психик камчиликка эга, маҳсус, индивидуал тарбиялаш ва ўқитиш методларига асосланган, саломатлик имкониятлари чекланган боланинг индивидуаллиги ҳамда шахсини ривожлантириш жараёнини бошқариш моҳияти, қонуниятларини ўрганувчи фан саналади.

Илмий тушунча сифатида коррекцион педагогика замонавий педагогика фанида расман эътироф этилганига у қадар қўп вақт бўлмади. Узоқ вақт давомида педагогикада «дефектология» тушунчаси қўлланиб келинган.

Коррекцион педагогика (дефектология) таркибида қуйидаги соҳалари киради:

Педагогик луғатда «коррекция» тушунчаси (юонча «*correctio*» - тузатиш) педагогик услуг ва тадбирлардан иборат маҳсус тизими ёрдамида аномал болаларнинг психик ва жисмоний ривожланиш камчиликларини тузатиш (қисман ёки тўлиқ) сифатида тушунилиши таъкидлаб ўтилади<sup>1</sup>.

Ана шу луғатда «коррекцион педагогика»нинг жисмоний ёки психик камчиликка эга, маҳсус, индивидуал тарбиялаш ва ўқитиш методларига муҳтоҷ бўлган, соғлиғи имкониятлари чекланган боланинг индивидуаллиги ва шахсини ривожлантириш жараёнини бошқариш моҳияти, қонуниятларини ўрганувчи фан эканлиги қайд этилади.

Коррекцион педагогиканинг асосий мақсади – белгиланган (нормал) ва (мавжуд камчилик) фаолият ўртасидаги номувофиқликни йўқотиш ёки камайтиришдан иборат.

Коррекцион-педагогик фаолият яхлит таълим жараёнини қамраб оловчи ҳамда мураккаб психофизиологик ва ижтимоий-педагогик чора-тадбирларнинг амалга оширилишини назарда тутувчи педагогик тизим.

Диагностика коррекцион, коррекцион-ривожлантирувчи, коррекцион-профилактик фаолиятлар билан бир каторда тарбиявий ва коррекцион-ўқитиш, психокоррекцион фаолиятни ҳам амалга оширилишини таъминлайди. Коррекцион-педагогик фаолият маҳсус таълим дастурига мувофиқ мутахассислар ёрдамида аномал ўқувчиларни ўқитиш, тарбиялаш ва ривожлантиришга йўналтирилган яхлит жараён.

**Коррекцион педагогиканинг асосий вазифалари.** Турли категорияли аномал болаларни ривожлантириш, ўқитиш ва тарбиялашнинг

<sup>1</sup> Йиâlòîðöâà Í.Â. Èîððåêöèííàÿ ïäâàäîèèà è ñiâöèàëüíàÿ ïñèðîëèè. №iâàðü. – Йiñêâà, йâäâàäîèèà, 1999.

умумий қонуниятлари мавжуд. Коррекцион педагогиканинг асосини аномал болаларни ҳар томонлама, физиологик ва психологик ўрганиш ташкил этиб, унинг вазифалари сирасига қуидагилар киради:

- 1) ривожланишида турли камчиликлар бўлган боланинг нуқсонларини тузатиш ва коррекцион-компенсаторли имкониятларини аниқлаш;
- 2) дифференцияли ўқитиш ва тарбиялашни амалга ошириш мақсадида аномал болаларнинг муаммоларини ҳал этиш;
- 3) аномал болаларни аниқлаш ва ҳисобга олиш;
- 4) ривожланиш аномалиясини эрта диагностика килиш методларини илмий жиҳатдан ишлаб чиқиш;
- 5) болаларда ривожланиш нуқсонларини тузатиш, йўқотиш ёки камайтириш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқиш;
- 6) аномал болаликнинг олдини олиш бўйича профилактик чора-тадбирлар тизимини ишлаб чиқиш;
- 7) аномал болани ривожлантириш ва уни ижтимоийлаштириш жараёнининг самарадорлигини ошириш.

**Коррекцион педагогиканинг категориялари.** Коррекцион педагогика қуидаги педагогик категорияларга эга:

1. Аномал болаларни ўқитиш ва ривожлантириш уларни ижтимоий ҳаёт ва меҳнатга тайёрлаш, уларда билим, кўникма ва малакаларни шакллантиришга йўналтирилган мақсадли жараёндир. Аномал болалар учун таълим тизими ва методларини танлашда боланинг ёши ва нуқсоннинг келиб чиқиши вақти ҳисобга олинади. Эшитиш ёки кўриш қобилиятини йўқотиш вақти алоҳида аҳамиятга эга.

Аномал боланинг ривожланиши нормал боладан кўра кўпроқ даражада ўқитишга боғлиқ. Шунинг учун аномал болалар ўқитилмаса ёки ўқитиш кеч бошланса унинг ривожланишига жиддий зарар етказилади, психик функцияларнинг шаклланиши ортда қолади, нормал тенгдошларидан ортда қолиши даражаси ошади, нуқсонлар ўта жиддий бўлса ақлий ривожланиши имкониятлари юзага чиқмай қолиши мумкин.

Махсус дидактиканинг марказий муаммоси меҳнат таълими ва тарбиясини ташкил этиш масаласи ҳисобланади. Махсус мактабларда уни ташкил этиш алоҳида аҳамиятга эга. Бинобарин, ушбу жараёнда ўқувчилар ижтимоий ҳаёт, шунингдек, имконият даражасида касбий фаолиятга тайёрлаш бузилган функцияларини тиклаш, шунингдек, ақлий ва жисмоний ривожланиш нуқсонларининг даражасини пасайтиришга ёрдам беради.

2. Аномал болаларни тарбиялаш - коррекцион педагогиканинг асосий тушунчаси бўлиб, унинг мақсад ва вазифаси нуқсоннинг даражаси ва тузилишига мос келадиган метод ҳамда воситалар ёрдамида аномал болаларни фаол ижтимоий ҳаёт ва меҳнатга тайёрлаш, уларда фуқаролик сифатларини шакллантиришдан иборат. Аномал болаларни тарбиялаш оила ва таълим муассасаси ўртасидаги яқин алоқа, бир-бирларини кўллаб-

кувватлаш, бир-бирига ёрдам кўрсатиш, талабчанлик ҳамда оқилона меҳрибонлик асосида амалга оширилади.

Тарбиявий ишлар аномал болаларнинг индивидуал ва ёш хусусиятларини инобатга олиш асосида уларда мустақиллик, ўзига хизмат кўрсатиш, меҳнат кўнилмалари, хулқ маданияти, шунингдек, ижтимоий муҳитда яшаш ва ишлаш кўнилмаларини шакллантиришга йўналтирилади. Аномал болани тарбиялаш атрофдагиларнинг унинг психик ёки жисмоний камчиликларига эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлишни талаб этади. Бундай болаларда оптимизм ва ишончни тарбиялаш, қобилиятини шакллантириш ёки унинг ўрнини босувчи имкониятни ривожлантириш, ижобий сифатларини тарбиялаш ҳамда ҳаракатлари ва хулқини танқидий баҳолаш қобилиятини ривожлантириш жуда муҳим.

3. Коррекция (юонча тузатиш) боланинг психик ва жисмоний ривожланишидаги нуқсонларни тузатиш, йўқотиш ва пасайтиришни назарда тутади.

4. Коррекцион-тарбиявий ишлар категория сифатида шахснинг аномал ривожланиши хусусиятларига кўра умумий педагогик таъсир кўрсатиш чора-тадбирлари тизимидан иборат. Коррекцион-тарбиявий масалаларида синф ва синфдан ташқари ишларнинг барча тур ва шаклларидан фойдаланилади. Коррекцион –тарбиявий ишлар аномал болаларни ўқитиш жараёнида амалга оширилади ва меҳнат тарбиясини самарали ташкил этиш учун катта имкониятлар яратади. Меҳнат таълими жараёнида фақат касбий малакалари эмас, балки ўз ишларини режалаштириш кўнилмалари, оғзаки кўрсатмаларга амал қилиш малакаси, ишнинг сифатини танқидий баҳолаш ва бошқа малакалари тарбияланади. Камчиликларини тузатиш ёрдамида аномал болаларнинг нормал ривожланган болалар билан алоқалари учун шароитлар яратиш муҳимдир. Бир қатор ҳолларда аномал болалар учун даволаш-коррекцион тадбирлар (даволаш жисмоний машқлари, масала, артикуляр ва нафас олиш гимнастикаси, дори-дармонлар қабул қилиш ва бошқалар) ни ташкил этиш зарур бўлади.

5. Компенсация (юонча «compensatio» – ўрнини тўлдириш, тенглаштириш) организмнинг бузилган ёки ривожланмаган функцияларининг ўрнини тўлдириш ёки қайта қуришдир. Компенсация жараёни олий нерв фаолиятининг заҳира имкониятларига таянади.

6. Ижтимоий реабилитация (юонча «reabilitas» – лаёқати, қобилиятини тиклаш) тиббий-педагогик мазмунида аномал боланинг психофизиологик имкониятлари даражасида ижтимоий муҳитда иштирок этиши учун шароит яратиш, уни ижтимоий ҳаёти ва меҳнатига жалб этишни англатади. Бу коррекцион педагогика назарияси ва амалиётida асосий вазифа ҳисобланади.

Реабилитация нуқсонларини йўқотиш ва юмшатишга йўналтирилган маҳсус тиббий воситалар ҳамда маҳсус таълим, тарбия ва касбий тайёрлаш ёрдамида амалга оширилади. Реабилитация жараёнида касаллик оқибатида бузилган функцияларнинг ўрни тўлдирилади. Реабилитация вазифалари аномал болаларнинг турли категориялари учун маҳсус ўкув муассасалари

тизимида ҳал этилиб, унда ўқув жараёнини ташкил этиш хусусиятлари болаларнинг аномал ривожланиши хусусиятларига қараб белгиланади.

7. Ижтимоий адаптация (юононча «adapto» - мослашиш) – аномал болаларнинг индивидуал ва гурухли хулқларини жамоатчилик қоидалари ва қадриятлари тизимида мос келишини таъминлаш. Аномал болалар учун ижтимоий муносабатларни ташкил этиш қийин, содир бўлаётган ўзгаришларга мос равишда жавоб қайтариш қобилияти паст, шу боис мураккаб талабларни бажаришга уларнинг лаёқати етмайди. Ижтимоий адаптация болаларга ижтимоий фойдали меҳнатда фаол иштирок этиш учун имконият яратади.

8. Оилавий тарбия реабилитацияни самарали ташкил этиш омили. Оила ва мактабнинг ҳамкорликдаги ҳаракатлари аномал болани ижтимоий фаолиятга жалб этиш, унинг меҳнат қобилиятларини аниқлаш ва имконият даражасида касб қўникмаларни шакллантиришни таъминлайди.

**Аномал ўқувчилар билан олиб бориладиган коррекцион ишларнинг асосий йўналишлари.** Психофизиологик ривожланиши ва хулқида нуқсонлар бўлган болаларни ўқитиш, тарбиялаш ва ривожлантириш – мураккаб ижтимоий-педагогик муаммо ҳисобланади. Ривожланишида нуқсони бўлган болалар билан коррекцион ишлар қўйидаги йўналишларда олиб борилади:

1. Болаларнинг ривожланиши ва хулқидаги нуқсонлар табиати ва моҳиятини аниқлаш, уларнинг юзага келиши сабаблари ва шароитларини ўрганиш.

2. Ривожланиши ва хулқида нуқсонлар бўлган болалар билан коррекцион-педагогик фаолиятнинг ташкил этиш ва ривожланиши тарихини ўрганиш.

3. Болаларнинг ривожланиш ва хулқидаги нуқсонларнинг олдини олишга хизмат қилувчи ижтимоий-педагогик шарт-шароитлар ва психофизиологик ривожланиши этимологияси (сабаб-оқибатли асослари)ни аниқлаш.

4. Ривожланишида камчилик ва хулқида нуқсонлар бўлган болаларга коррекцион-педагогик таъсир кўрсатиш технологияси, шакл, метод ва воситаларини ишлаб чиқиш.

5. Оммавий умумий ўрта таълим манбалари шароитларида ривожланиши ва хулқида нуқсонлар бўлган болаларнинг умумий ва маҳсус таълими мазмунини таҳлил қилиш.

6. Болаларни реабилитация қилиш ва ҳимоялаш марказлари, маҳсус муассасаларининг мақсади, вазифа ва асосий йўналишларини аниқлаш.

7. Аномал болалар билан корекцион-педагогик фаолиятни ташкил этувчи ўқитувчиларни тайёрлашда зарур ўқув-методик базаси яратиш.

Коррекцион-тарбиявий ишлар аномал болаларнинг ривожланишидаги камчиликларни йўқотиш ёки камайтиришга қаратилган маҳсус педагогик чора-тадбирлар тизимиdir. Коррекцион-тарбиявий ишлар факат алоҳида

нуқсонларни тузатишига йўналтирилган бўлмай, балки умумий ривожлантиришга қаратилган.

Ўқувчиларнинг ривожланиши ва хулқидаги нуқсонларни тузатиш боланинг шаклланаётган шахсини ўзгартиришга қаратилган яхлит педагогик ҳодиса саналади.

Коррекцион-тарбиявий фаолият боланинг идрок этиш имкониятларини ўзгартириш, унинг эмоционал-иродавий, индивидуал-шахсий сифатларини яхшилаш, қизиқиш ва лаёқатлари, меҳнат, бадиий, эстетик ва бошқа қобилиятларини ривожлантиришга қаратилган педагогик хатти-ҳаракат.

Коррекцион-ривожлантирувчи таълим ўқишида ва мактабда аномал болаларга ўз вақтида малакали ёрдам кўрсатишни таъминловчи дифференциал таълим тизими бўлиб, унинг асосий вазифаси бола ривожланишининг умумий даражасини оширишга қаратилган билимларни тизимлаштириш, унинг ривожланиши ва ўқишидаги камчиликларни йўқотиши, етарлича шаклланмаган малака ва кўникмаларни шакллантириш ҳамда боланинг идрок этиш борасидаги камчиликларни тузатиши.

**Коррекцион-педагогиканинг пайдо бўлиши, ташкил топиши ва ривожланиши.** Ривожланишида нуқсонлар бўлган болалар билан олиб бориладиган коррекцион-педагогик фаолият бой тарихий тажрибаларга эга. Аномал (юонча anomalous - нотўғри) болаларга жисмоний ёки психик нуқсонлари умумий ривожланишини бузилишига олиб келадиган болалар киради.

Ижтимоий жамият тараққиёти тарихи аномал болаларга бўлган муносабатларнинг узоқ вақт давомида эволюцион тарзда шаклланиб келганлигини кўрсатади.

Антик даврда қадимги Спартада бир неча юз йилликлар давомида соғлом тана, куч, чидамлилик юқори ўринга қўйилиб, ривожланишида нуқсони бўлган болалар йўқ қилинарди. Мазкур даврда янги туғилган чақалоқларни қабила бошлиқларига олиб келардилар, улар болаларни синчиклаб кўриб агарда ижтимоий талабларга жавоб бера олсалар, улар отаоналарига тарбиялаш учун қайтарилар эди. Агарда болада бирорта нуқсон топилса уни қабила бошлиқлари Тайget жарлигига ташлаб юборар эдилар (эрамиздан аввалги IV-V асрлар).

Европада ўрта асрларда боланинг ривожланишидаги ҳар қандай нуқсон қора, ёвуз кучларнинг намоён бўлиши сифатида эътироф этилиб, психик касалликлари бўлган кишилар инквизиция гулханида ёндирилганлар.

Уйғониш давридан бошлаб XIX асрнинг ўрталаригача Европа дефектология фани ва амалиётида боланинг ақлий ривожланишидаги нуқсонлар муаммоси борасидаги қарашларнинг эволюцион характеристерини англаш мумкин.

Рухий касалларга нисбатан инсонпарварлик ёндашуви илк бор француз шифокори, психиатори Филипп Пинел (1745-1826 йиллар)

томонидан илгари суралган. У руҳий касалликларни классификациялаган (турларга ажратган).

Ривожланишида нүқсонлар бўлган болаларга нисбатан педагогик ёндашув XVIII аср охирлари – XIX аср бошларида юзага келади. Ақли заиф болаларни максус усуллар ёрдамида ўқитиш ва тарбиялаш ғоясини Иоган Генрих Песталоцци (1746-1827 йиллар) асослаган бўлсада, бироқ, ўз даврида бу фикр қўллаб-қувватланмади. И.Г.Песталоцци “ақли заифлар” билан ишлаш тамойилининг моҳиятини асослаб берди: боланинг имкони етган билимларни бериш, дидактик материаллардан фойдаланишда ақлий ва жисмоний тарбия уйғунлигига эришиш, таълимни ишлаб чиқариш мөхнати билан боғлиқ ҳолда ташкил этиш.

Ақли заиф болаларни ўқитиш ва тарбиялашга нисбатан тиббий-педагогик ёндашув асосчиси француз психиатори Жан Итар (1775-1838 йиллар) ҳисобланади. У ақли заифлиги мураккаб бўлган болага таълим ва тарбия беришга уринди. Гарчи кутилган натижага эриша олмасада, бундай тоифа болаларни сезги ва моторика органларини машқ қилдириш ёрдамида ривожлантириш йўлини кўрсатиб берди.

Анатомик-физиологик ёндашув ривожига немис психиатри Эмил Крепелин (1856-1926 йиллар) катта ҳисса қўшди. У биринчи бўлиб “психик ривожланишдан ортда қолиш” (ПРОҚ (ЗПР)) ҳамда “олигофренія” (юононча olygos – кам ва phren-ақл) тушунчаларини қўллади.

Француз психологи Альфред Бине ва врач-психиатр Томас Симон тест синовлари методини асослайдилар. Шу боис улар интеллектуал заифликни ўрганишнинг психометрик йўналиши асосчилари ҳисобланадилар.

Юқорида қайд этилган ёндашувлар асосида XX аср бошига келиб қўйидаги уч асосий ёндашув қарор топди:

1. Тиббий-клиник ёндашув ақли заифларнинг этимологиясини билиш, интеллектининг бузилишига сабаб бўлган омиллар, шунингдек, анатомик-физиологик ва генетик бузилишни ўрганиш ғоясини илгари суради.

2. Психологик ёндашув психикаси бузилган болаларнинг психик фаолияти, эмоционал ҳолати ҳамда шахсини ўрганишга йўналтирилган.

3. Педагогик ёндашув интеллекти бузилган болаларни ўқитиш ҳамда тарбиялашнинг педагогик тамойиллари, методлари, шунингдек, нүқсонларни бартараф этиш йўлларини ўрганиш ғоясига таянади.

Россия коррекцион педагогикаси тарихи Европа дефектологик фани билан узвий боғлиқ.

Петр I, Екатерина II лар аномал болалар учун даволаш муассасалари, меҳрибонлик уйлари ва максус мактабларни барпо этиш ҳақида фармон чиқарганлар.

XIX аср охири - XX аср бошларида аномал болаларни ўқитиш ва тарбиялашни йўлга қўйувчи кўплаб жамият ҳамда ижтимоий ташкилотлар ташкил этилди.

Собиқ Шўро даврида болаликни ҳимоя қилиш ва болалар нуқсонлари билан боғлиқ муаммоларни ўрганишга алоҳида эътибор қаратилди.

1918 йили Совнарком томонидан маҳсус декрет қабул қилинди. Унда аномал болаларга ёрдам беришда асосий вазифа уларни алоҳида ажратиш эмас, балки уларни ўқитиш ва тарбиялашга эътиборни кучайтириш зарурлиги таъкидланди. Шу йилнинг Россияда биринчи маҳсус таълим-тарбия муассасаси (В.П.Кашенко уйи) ташкил этилди.

Ўзбекистон Республикасида коррекцион педагогика (дефектология)нинг ривожланиш тарихи Россия дефектология фани билан узвий боғлиқ бўлиб, айни вақтда у ўз хусусиятларига ҳам эга. Бу хусусиятлар диннинг ўзбек халқи ҳаёти ва турмушига чуқур сингганлиги ва ўзбек миллий менталитети билан тавсифланади. Ўзбек халқи аномал болаларга нисбатан инсонпарвар муносабатда бўлиб, уларга раҳмдиллик, меҳрибонлик кўрсатган.

Айни вақтда республикада аномал болалар учун маҳсус ўкув муассасалари (кўзи ожиз ҳамда кар болалар учун мактаб-интернатлар, ақли заифлар учун ёрдамчи мактаб-интернатлар) фаолият олиб бормоқда. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ти Қонуни (1997 йил)нинг 23-бандида психик ёки жисмоний ривожланишида нуқсонлар бўлган болалар ва ўсмирларни ўқитиш ва даволаш маҳсус (ихтисослаштирилган) таълим муассасаларида йўлга қўйилиши таъкидлаб ўтилган.

XX асрнинг 60-70 йилларида республикада коррекцион педагогика бўйича тадқиқотлар олиб бориш ҳамда дефектолог педагогларни тайёрлаш йўлида ижобий ишлар амалга оширилди. Хусусан, 1967 йили Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институти педагогика ва психология факультетида дефектология бўлими очилиб, ихтисослаштирилган муассасалар учун педагог-дефектологларни тайёрлаш йўлга қўйилди.

Хозирги кунда республика олим дефектологлари оммавий умумий ўрта таълим мактабларида коррекцион-ривожлантириш синфларини ташкил этиш, аномал болаларнинг мактабга мослашишлари учун ёрдам кўрсатиши ҳамда уларни ижтимоий ҳаётга тайёрлаш борасидаги муаммоларни ўрганмоқдалар.

**Ривожланишидаги нуқсонларни классификациялаш, уларнинг сабаблари ва омиллари.** Олиб борилган тадқиқотнинг кўрсатишича, ривожланишида нуқсони бўлган болаларнинг сони кўп бўлиб, айни вақтда янада ошиб бормоқда.

«Аномалия» тушунчаси юонончадан таржима қилинганда меъёрдан, умумий қонуниятлардан четланиш, нотўғри ривожланишни англатади.

Ривожланишида муаммолари бўлган болаларда жисмоний ёки психик камчиликлар (нуқсонлар) бўлади, улар болаларнинг умумий ривожланишида четланишларнинг содир бўлишига сабаб бўлади. Нуқсоннинг хусусияти, пайдо бўлишига қараб айрим камчиликларни тўла йўқотиш, айримларини эса тузатиш, учинчи хилларининг ўрнини тўлдириш мумкин. Аномал боланинг ривожланишида уни ўқитиш ва тарбиялаш асосий муаммо ҳисобланади.

Айни вақтда ривожланишидаги четланишларнинг классификацияси бўйича ягона қараш мавжуд эмас.

М.А.Власова ва М.С.Певзнерлар аномал болаларнинг қуидаги гурӯҳлари қўрсатадилар:

1. Сенсор хислати етишмайдиган (норасо) болалар (эшиши, күриш, нутқи қобилиятлари, таянч-харакат аппарат ва сенсомоторикасининг функцияси бузилган).
  2. Психик ривожланиши ортда қолган болалар.
  3. Астеник ёки реактив ҳолати ҳамда низоли ташвишланишга эга бўлган болалар.
  4. Психопатик хулқли болалар (хулқнинг эмоционал бузилиши).
  5. Ақли заиф болалар (дебиллик, имбециллик, идиотия даражасидаги

6. Психик касалликнинг бошланғич кўриниши (шизофрения, эпилепсия, истерия ва бошқадар) намоён бўладиган боладар.

О.Н.Усанова аномал болаларни қуидаги гурұхларга ажратишиңиң тақлиф этады<sup>1</sup>:

- такелінгенде:

  1. Органик бузилишлар сабабынан ривожланишида четланиш бўлган болалар.
  2. Функционал етук эмаслиги сабабынан ривожланишида камчилик бўлган болалар.
  3. Психик депривациялар асосида ривожланишида камчиликлар бўлган болалар.

Дефектолог В.С.Рахманова ривожланишида нүкssonлар бўлган болаларни куйидагича груххларга ажратишни таклиф этади<sup>2</sup>:

1. Интеллектуал бузилишга эга болалар (ақли заиф ва психик ривожланишидан ортда қолган болалар).
  2. Нутқи бузилган болалар.
  3. Сенсорли нүксонларга эга болалар (күриш ва эшитиш қобилиятлари бузилган)
  4. Таянч-харакатли аппарати бузилган болалар.
  5. Ривожланишида комплекс бузилиш бўлған боладар.

5. Гибогланишида комплекс бузилиш болалар.  
Аномал болаларда нутқий қобилиятнинг бузилиши умумий қонуният  
хисобланади.

Болага коррекцион таъсир кўрсатишининг самарадорлиги мавжуд нуқсон хусусияти, айрим психик жараён ёки функцияларининг бузилганлик даражаси, боланинг ёши, нуқсонлар ўрнини тўлдиришга имкон берувчи қобилияти, тиббий-педагогик таъсир кўрсатиш, бола яшаётган муҳит ҳамда уни тарбия шароитларининг мавжуд аҳволи ва бошқа омилларга боғлиқ. Аномал болаларнинг маълум групҳи фақат психологик-педагогик таъсирга муҳтож бўлсалар, бошқа групҳлари уларга эса лаводаш—соғломлаштириш

<sup>1</sup> Óñàíâà Í.Í. Ìñèõèê ðèáîæëàíèøèäà ìóàííëàðè áçëääí áïëàëàð. – Ìñêâà, ïäääíäèêà, 1995.

<sup>2</sup> Đào Ích Lãm. Các bài văn hóa của người Êđê. - Óc Eo Ái, 1990.

тадбирларининг амалга оширилишини талаб этади. Ривожланишдаги нуқсонларнинг барвақт диагностика қилиниши маълум муваффақиятларга эришишнинг гаровидир.

**Бола ривожланишидаги нуқсонларни диагностика қилишда коррекцион ишлар тамойиллари ва методлари.** Ривожланишида камчиликлар бўлган болалар махсус, коррекцион-ривожлантирувчи таълим ва тарбияга муҳтоҷ бўладилар. Аномал болаларга ёндашишда у ёки бу нуқсонни аниқлаш эмас, балки унинг хусусияти, тузилиши, болани тегишли муассасага жойлаштириш, коррекцион ишларни амалга оширишда алоҳида аҳамиятга эга бўлган сонли ва сифатли кўрсаткичларини аниқлаш муҳимdir.

Аномал болаларни махсус муассасаларда ўқитиш ва тарбиялаш, шунингдек, умумий ўрта таълим мактабларида коррекцион-ривожлантирувчи синфларни ташкил этиш масаласи билан психологик-тиббий-педагогик комиссиялар (ПМПК) шуғулланадилар. Бу борада мутахассисларнинг куйидаги тамойилларга амал қилишлари мақсадга мувофиқдир:

1. Инсонпарварлик тамойили ҳар бир бола учун ўз қобилиятларини максимал даражада ривожлантира оладиган зарур шароитларни ўз вақтида яратиб беришдан иборат бўлиб, у болани изчил ва батафсил ўрганиш, унинг йўлида учрайдиган қийинчиликларни йўқотиш йўллари ва воситаларини излашни талаб этади.

2. Болаларни комплекс ўрганиш тамойили болага ташҳис қўйишда зарур мутахассисликлар (тиббий, дефектологик, психологик ва педагогик) бўйича олинган маълумотларга танишни назарда тутади. Агар шифокор, дефектолог, психолог ва педагогларнинг фикрлари турлича бўлса, бола қайта текширувдан ўтказилади.

3. Болани ҳар томонлама ва яхлит ўрганиш тамойили боланинг идрок этиш, эмоционал-иродавий сифатлари ва хулқини текширишни кўзда тутади. Унга кўра боланинг ривожланишига жиддий таъсир кўрсатиши мумкин бўлган жисмоний ҳолати ҳам ҳисобга олинади. Болани ҳар томонлама ва яхлит ўрганиш унинг ўкув, меҳнат ва ўйин каби фаолияти жараёнидаги ҳаракатларини кузатишга асосланади.

4. Болани динамик ўрганиш тамойилга биноан текшириш давомида улар биладиган ва бажара оладиган ишларни эмас, балки уларнинг ўқитишдаги имкониятларини ҳам ҳисобга олиш муҳим эканлигини назарда тутади. Л.С.Вўготскийнинг “яқин ривожланиш зонаси” - болаларнинг ўқишидаги мавжуд имкониятлари ҳақидаги таълимоти мазкур тамойилнинг асосини ташкил қиласди.

5. Сифатий-миқдорий ёндашув тамойили бола бажарган топшириқни баҳолашда якуний натижанигина эмас, балки усули, масалани ечиш учун танланган йўлнинг рационаллиги, ҳаракатларнинг мантикий кетма-кетлиги, мақсадга эришишдаги қаътийлик ва тиришқоқликни ҳам ҳисобга олиш зарурлигини асослайди.

6. Маълум турдаги патологияли болаларни бошқа болалар гурухларидан ажратиши тамойили ҳар бир маҳсус таълим муассасаси ўзи қоидаларига эгалигини тавсифлайди.

7. Ривожланишида мавжуд бўлган четланишлар даражасига кўра дифференциялаштирилган таълимни ташкил этиши тамойили ривожланишида бир хил, лекин даражасига кўра турли четланишга эга болаларни ажратган ҳолда ўқишларини назарда тутади, бинобарин, уларни ўқитиши методикасида сезиларли фарқлар мавжуд (масалан, кўзи ожиз болалар тактил асосда (Брайн тизими бўйича), ёмон кўрувчилар эса кўриш асосида ўқитилади).

8. Ёши тамойили ҳар бир гуруҳ ёки синфга маълум ёшдаги болаларнинг қабул қилинишини ифодалайди. Турли ёшдаги ривожланишида нуқсонлар бўлган болаларни текшириш ва уларга коррекцион ёрдам кўрсатиш малакали мутахассислар томонидан амалга оширилади.

ПМПКнинг таркибида қуийдаги мутахассислар фаолият кўрсатадилар: педагог, психолог, шифокор, психиатр, невропатолог, отоларинголог, ортопед, офтальмологлар, олигофренопедагог, сурдопедагог, тифлопедагог ҳамда логопед. ПМПК ишларига дефектологик таълим ва аномал болалар билан ишлашда амалий тажрибага эга мутахассис раҳбарлик қиласиди.

Психологик-педагогик текширишлар қуийдаги методлари ёрдамида ташкил этилади:

1. Сухбат методи. Сухбат бола билан алоқа ўрнатиш воситаси бўлиб, аномал боланинг шахси, эмоционал-иродавий сифатлари, хулки, шунингдек, ривожланишидаги четланишларнинг сабаблари ҳақидаги маълумотни тўплашга имкон беради. Агарда боланинг нутқида, эшитиш қобилиятида нуқсонлари бўлса, ёки муносабатга қийин киришса сухбатни ташкил қилиш тавсия этилмайди. Бундай ҳолларда болани қизиқтирадиган қўргазмали материалдан фойдаланиш мумкин.

2. Кузатиш методи. Кузатиш боланинг консультацияга келишидан аввал бошланади ва яхлит текширишларни ўтказиш жараёнида давом эттирилади. Кузатиш ҳар доим аниқ мақсад асосида ўтказилади. Болани ўйин фаолиятини ташкил этиш жараёнида кузатиш алоҳида аҳамиятга эга, улар бола билан алоқа ўрнатишга имкон беради. Айрим ҳолларда ўйинчоқлар ёрдамида маҳсус текширишлар ўтказилади.

3. Расмларини ўрганиш методи. Расмлар болани ўрганишда муҳим дифференциал-диагностик восита ҳисобланади. Болада педагог томонидан тавсия этилган расмлар хавотир уйғотса, болага эркин расм чизишини таклиф этиш мақсадга мувофиқдир. Унинг мавзу танлай олиши, тасвирлаш хусусиятлари, расм чизиш жараёни якуний ташҳис учун қимматли маълумот ҳисобланади. Ақли заиф болалар одатда мавзуни танлашга қийналадилар, улар сюжетлар яратмай, алоҳида одатий предметларни тасвирлашга ҳаракат қиласидилар.

4. Тажриба-психологик тадқиқотлар методлари. Улар маҳсус ўрганилиши керак бўлган психик жараённи қўзғатувчи маълум вазиятларни

яратиши күзда тутади. Тажриба методикалари ёрдамида у ёки бу ҳолатларнинг сабаблари ва механизмларини очиб кўрсатиш мумкин бўлади.

5. Тестлар методи. Бу метод болаларнинг психодиагностик мақсадларда текширишда қўлланилади. Д.Векслер томонидан асосланган мослаштирилган тест оммавийлашгандир. Ундан фойдаланиш индивидуал-психологик текширишларни ўтказишида бола ҳақида зарур қўшимча маълумотларни олишга имкон беради.

**Ақлий ва психик ривожланишида нуқсонлари бўлган ўқувчиларни коррекцион ўқитиши. Психик ривожланишдан ортда қолувчи болаларнинг психологик-педагогик тавсифномалари.** Тадқиқотлар предметларни ўзлаштира олмайдиган ўқувчилар орасида психик ривожланиши ортда қолган, яққол ифодаланмайдиган сенсорли, интеллектуал, нутқий бузилишларга эга болалар мавжудлиги, бунинг сабаби марказий нерв тизими шикастланишининг асорати, минимал мия диафункциялари эканилигини кўрсатади. Психик ривожланиши ортда қолган болалар предметларни ўзлаштира олмайдиган ўқувчиларнинг тахминан 50 фоизини ташкил этади.

ПРОҚни болалар ривожланишини кўрсатувчи аномалия сифатида ўрганиш XX асрнинг 50-йилларнинг охирида бошланиб, 60-70-йилларда кенг оммалашди.

Тадқиқотчилар (Г.Б.Шоумаров, К.С.Лебединская) ПРОҚнинг қуйидаги тўрт вариантини келтирадилар:

- 1) конституционал келиб чиқиш;
- 2) соматоген келиб чиқиш;
- 3) психоген келиб чиқиш;
- 4) церебрал–органик келиб чиқиш.

Психик ривожланиши ортда қолган мактабга бораётган болалар ўзига хос хусусиятларга эга бўладилар. Улар мактабда ўқишига тўла тайёр эмаслар, уларда мактабда ўқиши учун зарур бўлган кўнишка ва малакалар шаклланмаган, дастур талабларини ўзлаштириш учун лаёқати етарли эмас. Улар маҳсус ёрдамсиз ҳисоблаш, ўқиши ва ёзишни, шунингдек, мактабдаги тартибни ўргана олмайдилар. Фаолиятларни ташкил этишда қийинчиликни ҳис этадилар. Уларда руҳий толикиш кузатилиб, тез чарчашиб, иш бажариш қобилиятининг пасайиши, бошлаган ишини бажармаслик каби ҳолатлар кузатилади. Кўпинча бошлари оғрийди.

Психик ривожланиши ортда қолган болаларнинг хулқи ҳам ўзига хос. Мактабда улар ўзларини мактабгача ёшдаги болалар каби тутишади. Уларда ўқишига нисбатан қизиқиши йўқ ёки жуда паст бўлиб, мактабга нисбатан ижобий муносабат кузатилмайди. Ўйин улар учун асосий фаолият бўлиб қолади.

ПРОҚли болаларни кўпинча ақли заиф деб ҳисоблаб хато қиласдилар. Уларни ўзаро фарқлашда айрим омиллар қўл келади. Чунончи, ПРОҚ болаларда оддий билимларни ўзлаштириш, ҳисоблаш кўникмаларини эгаллаб олишда қийинчилик кўзга ташланиши билан бирга шеър ёки эртакларни

эслаб қолиш қобилияти ва идрок этиш фаоллиги анча юқори бўлади. Бундай хусусиятлар ақли заиф болаларда кузатилмайди.

Кўпчилик ҳолларда ПРОҚ (ЗПР) ўқувчилар оммавий умумий ўрта таълим мактабларида ўқитиладилар. Улар билан индивидуал коррекцион ишлар олиб борилмайди, шу боис улар амалда ўқув жараёнидан четда қоладилар ва предметларни ўзлаштира олмайдиган ўқувчилар қаторига киритиладилар. Улар маҳсус ташкил этилувчи коррекцион-ривожлантирувчи таълимга муҳтожлар. Уларга алоҳида эътибор кўрсатиш талаб этилади.

**Психик ривожланиши ортда қолган болалар билан коррекцион ишлар олиб боришининг хусусиятлари.** Ўзбекистонда XX асрнинг 60-йилларида илк бор психик ривожланишдан ортда қолган болалар билан маҳсус педагогик ишлар амалга оширилган.

Хозирги кунда психик ривожланишдан ортда қолган болалар учун мактаб интернатлар ва маҳсус таълим муассасалари фаолият олиб бормоқда. Шунингдек, улар оммавий умумий ўрта таълим мактабларида ташкил этилган коррекцион-ривожлантирувчи синфларда ҳам ўқитишлари мумкин.

Таълим жараёни қўйидаги босқичларда амалга оширилади:

1. Бошланғич умумий ўрта таълим (таълим муддати – 4-5 йил).
2. Асосий умумий ўрта таълим (таълим муддати - 5 йил).

Болаларни коррекцион муассасаларга қабул қилиш ПТПКнинг хуносаси бўйича ота-оналари ёки уларнинг ўрнини босувчи шахсларнинг розилигига кўра амалга оширилади. Синф 12 нафар ўқувчидан иборат бўлади. Улар ривожланишидаги нуқсонларнинг бартаф этилишига кўра оммавий умумий ўрта таълим муассасаларига ўтказилишлари мумкин.

Иккинчи босқичда таълим (V-IX синфлар) айрим ўзгартиришлар (муайян ўқув мавзулари ёки улардаги материаллар ҳажмини қисқартириш) билан оммавий умумий ўрта таълим мактабларининг дастурлари асосида амалга оширилади. Коррекцион-ривожлантирувчи синфларда, таълимнинг 1-босқич муддати зарур ҳолатларда 1 ёки ҳатто 2 йилга узайтирилиши мумкин.

Улар билан ишлашда асосий вазифа - болалар томонидан атроф-муҳит ҳақидаги билимларни эгаллаб олинишига ёрдам бериш, уларда кузатувчанлик ва амалий ўқув фаолияти тажрибасини ҳосил қилиш, мустақил равишда, билимларни эгаллаш ва амалиётда улардан фойдаланиш малакасини шакллантиришдан иборат.

Бундай ўқувчилар индивидуал ёндашишни талаб этадилар. Уларни коррекцион ўқитиш даволаш-соғломлаштириш тадбирлари билан бирга амалга оширилиши зарур. Ўқув материали ҳамда таълим методи ПРОҚ болаларнинг ривожланиш даражаларига мос ҳолда танланиши зарур.

**Ақли заифликнинг психологик-педагогик хусусиятлари, унинг пайдо бўлиши сабаблари.** Ақли заифликни ўрганиш билан боғлиқ масалалар коррекцион педагогикада (дефектологияда) энг муҳим масалалар қаторига киради.

Ақлий ривожланиши бузилган болаларни ўқитиши, тарбиялаш, ижтимоий мослаштириш ва ўрганиш муаммолари коррекцион (махсус) педагогиканинг муҳим соҳаси - олигофренопедагогика томонидан ўрганилади. “Олигофрения” (юонча olygos – кам ва phren - ақл) термини XIX асрда машҳур немис психиатри Эмиль Крепелин томонидан кўлланилган.

Олигофрения – бу натал (туғилиш пайти) ёки постнатал (ҳаётий ривожланишнинг эрта босқичи) даврларда марказий нерв тизимининг заарланиши натижасида юзага келадиган ақлий ёки психик ривожланмаслик.

Олигофрениянинг сабаблари бош мияни бузилишига олиб келувчи экзоген (ташқи) ва эндоген (ички) омиллар бўлиши мумкин. Экзоген омиллар сирасига онанинг ҳомиладорлик даврида турли инфекцион касалликлар билан касалланиши (вирусли касалликлар, қизилча, қизамиқ, кор, Боткин касаллиги ва бошқалар), чақалоқнинг она организмидаги турли паразитлар билан заарланиши (токсоплазмос) ҳамда турли туғма шикастлар (асфиксия) киради. Онанинг юрак-қон томир тизими, буйрак, жигар касалликлари билан оғриши, ҳомиладорлик даврида рухсат этилмаган дори-дармонларни қабул қилиши, ҳомиладорлик даврида турли жисмоний ва психик жароҳатларни олиши, аёлларнинг заарли ишлаб чиқаришда ишлашлари, атроф-муҳитнинг ёмон шароитлари, чекиш, алкоголизм, ота-оналари гиёҳванд моддаларни исътемол қилишлари ҳам чақалоқ бош миясининг заарланишига сабаб бўлиши мумкин.

Ақли заиф шахслар ривожланиш ва нуқсон даражасига кўра турлича бўлади. Уларни қуидаги уч гурухга ажратиш мумкин:

1. Она қоринидалиги мияси шикастланган болалар.
2. Туғилиши пайтида ёки туғилгандан кейин уч йил давомида мияси шикастланган болалар.

Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ВОЗ) 1994 йилда ақли заифликнинг қуидаги тўрт даражасини эътироф этган: сезилмас (кам), ўртача, оғир ва чуқур даражалар.

Кам даражадаги ақли заифлик ўқувчилар мактабни битириш даврида ўзларининг психометрик ва клиник намоён бўлиши билан нормал ривожланаётган одамлардан кам фарқ қиласалар ҳамда муваффақият билан ишга жойлашадилар.

Ақли заифлик тузатиб бўлмайдиган ҳодиса сифатида эътироф этилса ҳам, уни коррекция қилиб бўлмайди деган маънони англатмайди. Аксарият тадқиқотларда маҳсус (коррекцион) таълим муассасаларида методик жиҳатдан тўғри йўл тутилиши ақли заиф болаларнинг ривожланишида ижобий натижага эришиш мумкинлигини кўрсатмоқда.

**Ақли заиф болалар билан олиб бориладиган коррекцион ишлар.** Ақли заиф бола билан коррекцион ишларни эрта бошлиш нуқсонни максимал даражада тузатиш ва иккиласмчи четланишларнинг олидини олишга имкон

беради. Ақлий қолоқликни психологик-педагогик диагностика қилишни ўз вақтида ўтказиш жуда мұхимдир.

Ақли заиф болалар оила ёки соғлиқни сақлаш тизимиға қарашли махсус яслиларида тарбияланадилар. Мактабгача ёшдаги болалар билан олиб бориладиган коррекцион ишлар ақли заиф болалар учун махсус болалар боғчаларида амалга оширилади. Ақли заиф бўлган мактабгача ёшдаги болалар оммавий болалар боғчаларидаги махсус гуруҳларга қабул қилинишлари мумкин. Уларда ўқитиш махсус болалар боғчасидаги каби махсус дастур бўйича олиб борилади.

Мактаб ёшидаги ақли заиф болалар махсус (коррекцион) мактабларда ўқитиладилар, бу ерда ўқитиш давлат таълим стандарти асосида махсус дастур бўйича олиб борилади. Бундай мактабларда умумий ўрта таълим фанлари (она тили, ўқиш, математика, география, тарих, табиат, физкультура, расм, мусиқа, чизмачилик) билан бирга махсус коррекцион фанларни ҳам ўқитилади. Махсус мактабларда меҳнат таълими мұхим ўрин эгаллайди. Меҳнат таълими IV синфдаёқ профессионал хусусиятга эга бўлиб, болалар ўзлари бажара оладиган касбни ўзлаштирадилар. Тарбиявий ишлар ҳам катта аҳамиятга эга бўлиб, асосий мақсад тарбияланувчиларни ижтимоийлаштириш, болаларда ижобий сифатларини тарбиялаш, атрофдагилар ва ўзларига тўғри баҳо беришга ўргатиладилар. Айни вақтда республикада ақли заиф болалар учун махсус мактабларнинг 90 % ини мактаб-интернатлари ташкил этади.

Гоҳо ақлий ривожланишида нуқсони бўлган боланинг оммавий умумий ўрта таълим мактабига жаоб этилиш ҳолати кўзга ташланади. Бундай ҳолатда боланинг тақдири, уни ўқитиш ва тарбиялаш масъулиятини ота-оналар ўқитувчи-дефектологлар билан келишиб олишлари зарур. Нормал ривожланувчи болалар билан бир синфда ўқийдиган ақли заиф бола алоҳида муносабатни талаб этади. Бола кучи етганича, дарснинг боришига ҳалақит қилмай синф фаолитида иштирок этиши керак. Унга бирор нарсанинг тушунарсиз бўлишига йўл қўйиш мумкин эмас. Бу ҳолат кейин ўқув материалиининг мутлақо тушунмаслигига олиб келади. Ақли заиф болани оммавий умумий ўрта таълим мактабида ўқитиш ота-оналарининг бевосита иштирокларини талаб этади,

**Нутқида нуқсон бўлган ўқувчиларни коррекцион ўқитиш. Нутқий бузилишлар сабаблари ва уларнинг турлари.** Нутқ – фақатгина инсонга хос бўлган мұхим психик функциядир. Нутқий муносабатлар ёрдамида, шахс онгида борлиқни акс эттирувчи билимлар доимий равища тўлдирилиб ва бойитиб борилади.

Нутқий нуқсонларни ўрганиш, олдини олиш ва коррекция билан коррекцион педагогика (дефектология)нинг мұхим соҳаси - логопедия (юононча logos – сўз ва paideia - тарбиялаш) шуғулланади. Патоген омил таъсирида юзага келган нутқий бузилишлар ўз-ўзилан йўқолмайди ва у махсус ташкил этилган коррекцион-логопедик чораларсиз боланинг кейинги ривожига салбий таъсир кўрсатади.

Нутқий бузилишини келтириб чиқарувчи сабаблар орасида экзоген (ташқи) ва эндоген (ички) омиллар асосий рол ўйнайди. Бундан ташқари (анатомик-физиологик, морфологик), функционал (психоген), ижтимоий-психологик (атроф-мухитнинг салбий таъсири), психоневрологик (психик функцияларининг бузилиши (ақли заифлик, хотира ёки дикқатнинг бузилиши ва бошқалар) сабабларнинг ҳам таъсири сезиларли бўлади.

Экзоген-органик омиллар сирасига: боланинг марказий нерв тизими ва унинг организмига салбий таъсири этувчи омиллар (инфекция, жароҳатлар, интоксикация), турли акушерлик патологиялари (бел торлиги, туғилишнинг чўзилиб кетиши ёки тез содир бўлиши, йўлдошга ўралиб қолиши, боланинг нотўғри жойлашиши ва бошқалар), малакали акушерлик ёрдамининг кўрсатилмаслиги, чала туғилиш каби ҳолатлар сабаб бўлади.

Хозирги кунда логопедияда нутқий бузилишларни икки тuri ажратилади:

- 1) тиббий-психологик нутқий бузилиш;
- 2) психологик-педагогик нутқий бузилиш.

Тиббий-психологик турда кўриладиган ҳамма нутқий бузилишларни қуидаги икки йирик гурухга ажратиш мумкин:

- 1) оғзаки нутқнинг бузилиши;
- 2) ёзма нутқнинг бузилиши.

Оғзаки нутқнинг бузилиши ўз навбатида қуидаги икки турга ажратилади:

- 1) нутқ ифодаланиши фонацион тузилиши (нутқ талаффузи) нинг бузилиши;
- 2) фикр структурали-семантич (ички) тузилиши (нутқнинг тизимли ёки полиморф)нинг бузилиши

Психологик-педагогик (педагогик) классификациялаш уни педагогик жараёнда қўллашга йўналтирилган бўлиб, болалар жамоаси билан нутқий нуқсонларни тузатишга йўналтирилган коррекцион-ривожлантирувчи таъсири кўрсатиш методларини ишлаб чиқишига хизмат қиласди.


Психологик-педагогик (педагогик) классификациялашга кўра нутқнинг бузилиши қуидаги икки гурухга ажратилади:

1. Муомала воситалари (фонетик-фонематик ва нутқнинг умумий ривожланмаганлиги)нинг бузилиши.
2. Муомала воситаларини қўллашдаги бузилишлар.

**Мактаб ўқувчиларида нутқи бузилишини психологик-педагогик тузатиш. Нутқий бузилиши бўлган болаларнинг психологик-педагогик хусусиятлари.** Нутқий бузилиш, нутқий бузилишнинг сабаблари, механизmlари, симптоматикаси, бориши ва тузилиши унинг олдини олиш, маҳсус (коррекцион) ўқитиш ва тарбия масаласи билан логопедия шуғулланади. “Логопедия” термини юонончадан таржимаси “тўғри нутқни тарбиялаш” маъносини англатади. Нутқий бузилиш турли мутахассислар - физиолог, невропатолог, психолог, лингвист ва бошқалар томонидан ўрганилади.

Нутқий бузилиши бўлган болаларнинг марказий нерв тизими фаолиятида функционал ёки органик четланишлар кўзга ташланади. Миянинг органик заарланиши сабабли иссиқ, транспортда юриш, арғимчоқда кўп вақт тебраниш болаларга ёмон таъсир кўрсатади, бошлари оғрийди кўнгиллари озади ва бошлари айланади. Тез чарчаб қоладилар, қаттиқ таъсирланишлари, жаҳллари чиқиш билан ажралиб турадилар. Улар эмоционал барқарор эмаслар, уларнинг кайфиятлари тез ўзгаради, сержахл, агрессив, безовта бўладилар. Шунингдек, уларда сустлик ва ланжлик кузатилади. Бундай болалар тинч ўтира олмайдилар, бутун дарс давомида ишчанлик ва дикқатини сақлаб туриш қийин бўлади. Жуда тез хафа бўладилар, гапга қулоқ солмайдилар. Танаффусдан кейин эса дарсда дикқатларини жамлашлари қийин бўлади. Одатда бундай болаларда дикқат ва хотира, айниқса, нутқий хотиранинг бўшлиги, яхши тушунмаслик ҳолатлари кузатилади.

Умумий ўрта таълим мактаблари қошида логопедик пункт фаолият юритади. Логопедик пункт вазифалари қуйидагилардан иборат:



45- ÷еçìà. Ёїаїїаәәә іоіәө ðíññíëäàí àìàëäà ìøðèðëëäæäàí âàçèðàëàð

Ўқувчилар билан логопедик пунктда коррекцион ишлар бутун ўқув иили давомида индивидуал ва гурухли шаклда олиб борилади. Нутқи бузилганлик ўта жиддий бўлса ўқитиш маҳсус таълим муассасаларида олиб борилади. Бунда ўқувчи билан даволаш-соғломлаштириш ва психологик-педагогик ишларни бирга олиб бориш нутқий бузилишни тузатишнинг муҳим шарти ҳисобланади.

Логопедик ёрдам кўрсатиш соғлиқни сақлаш ва аҳолини ижтимоий таъминлаш тизимларида ҳам амалга оширилади. Поликлиникаларда ва психоневрологик диспансерларда логопедик кабинетлари мавжуд бўлиб, бу ерда нутқида бузилиши бўлган болаларга логопедик ёрдами кўрсатилади.

**Эшитиш қобилияти бузилган ўқувчиларни коррекцион ўқитиши.** Эшитиш қобилиятиниң бузилиши сабаблари, уларни турларга ажратиши. Аномал болалар орасида эшитиш қобилияти турли даражада нүқсонли бўлган болалар кўпчиликни ташкил этадилар. Эшитиш – борлиқни товушли ҳодисалар шаклида акс эттирилиши, инсон (тирик жонзод)нинг товушларни англаш ва фарқлаш қобилияти. Эшитиш эшитиш органи ёки товуш анализатори (товуш таъсирини қабул қилувчи ва ажратувчи мураккаб нерв тизими) ёрдамида амалга оширилади.

Эшитиш қобилиятиниң бузилиши кўп ҳолларда муддатли бўлади. Масалан, ўрта қулоғнинг ташкил топиши, шамоллаш, олтингугурт тўсиқларининг юзага келиши, ташки ва ўрта қулоғининг аномал тузилиши (кулоқ супрасининг бўлмаслиги ёки етарлича ривожланмаганлиги, эшитиш йўлларининг битиб қолиши, қулоқ пардасидаги нүқсонлар ва бошқалар) каби ҳолатларда. Замонавий медицина уларни даволашнинг самарали методларига эга. Улар қаторига консерватив ва оператив методларни киритиш лозим. Одатда самарали даволаш, баъзан узоқ вақт даволаш тадбири олиб борилганда эшитиш қобилияти тикланади.

Эшитиш қобилиятиниң бузилишига юқумли касалликлар билан оғриш, заҳарланиш, акустик ёки контузияли жароҳатлар ҳам сабаб бўлиши мумкин. Қулоғи оғирлик ёки карлик келиб чиқиш сабабларига кўра: наслий, туғма ва келиб чиққан тарзда турларга ажратилади. Ёшлиқда эшитиш қобилиятиниң бузилишига олиб келувчи сабаблар орасида қуйидагилари алоҳида кўрсатилади: ҳомиладорликнинг биринчи уч ойида онанинг вирусли касалликлар билан оғриши (қизамиқ, коръ, грипп, гепатит вируслари ва бошқалар), ривожланишдаги туғма нүқсонлари (масалан, лаби ва танглайидаги ёриқ), чала туғилиш, кичик вазнли туғилиши (1500 дан кам) ҳамда ёмон туғилиши кабилар. Эшитиш қобилиятиниң бузилишига ҳомиладорлик даврида онанинг спиртли ичимлик, гиёхванд моддалар истеъмол қилиши, антибиотикларни қабул қилиши ҳам сабаб бўлиши мумкин. Карликнинг наслий ўтиши ҳолати жуда кам кузатилади.

Эшитиш қобилиятидаги камчиликларни қуйидаги турларга ажратиш мумкин:

- 1) эшитиш қобилиятиниң заарланганлик даражаси;
- 2) эшитиш қобилияти заарланганда нутқий ривожланиш даражаси;
- 3) эшитиш қобилиятида бузилишнинг юзага келиш вақти.

Юқорида кўрсатилган мезонларга кўра эшитиш қобилиятиниң бузилиши қулоғи оғирлик ва карлик каби гурухларга ажратилади.

Карлик бу эшитиш қобилиятиниң қаттиқ йўқотилиши бўлиб, бола мустақил равишда нутқни эгаллай олмайди ва қулоғига жуда яқин масофадан гапирилганда ҳам аниқ эшитмайди. Аммо баланд товушлар, яқин масофадан нутқнинг баъзи товушларини қабул қилишга имкон берувчи эшитиш қобилияти сақланиб қолади.

Қулоғи оғирлик – бу эшитиш қобилиятиниң қаттиқ пасайиши (80 децибалдан кам) бўлиб, эшитиш қобилияти қолдиги ёрдамида қулоғи олдида

баланд овоз билан гапирилганда бола нутқни эшита олади. Бола минимал нутқ бойлигини мустақил равищда эгаллай олади.

Карлар ва қулоғи оғирлик (ёмон эшитувчилар) нутқни қабул қилиш усули бўйича фарқ қиласидилар. Карлар сўз нутқини кўриб (сухбатдошининг лаблари ва юзига қараб) ва эшитиб кўриш (товушни кучайтириш аппарати ёрдамида) қабул қиласидилар.

Ёмон эшитадиганлар атрофдагилар билан табиий муносабатлар жараёнида баланд оҳангда сўзлашиш асосида нутқни эшитиб қабул қиласидилар.

**Эшитиш қобилияти бузилган болаларни оммавий, умумий ўрта таълим мактабларида коррекцион ўқитиши.** Эшитиш қобилияти бузилган болаларни ўқитиши ва тарбиялаш масалалари билан сурдопедагогика шуғулланади. Сурдопедагогика (юононча «*surdus*» – кар) - эшитиш қобилияти бузилган болаларни ўқитиши ва тарбиялаш жараёнини ўрганувчи коррекцион (махсус) педагогиканинг яна бир муҳим соҳаси.

Эшитиш анализаторининг нормал ишлаши боланинг умумий ривожланиши учун алоҳида аҳамиятга эга бўлади. Эшитиш анализатори бузилганда боланинг нутқи, психологик ривожланиши ёмонлашади, идрок этиш фаолияти, умумий ривожланиши ортда қолади. Статистик маълумотларига қараганда эшитиш органи функцияси бузилган ва эшитмайдиган болалар сони доимий равищда ортиб бормоқда.

Айни вактда сурдопедагогика олдида қуидаги вазифалар турибди:

- эшитиш қобилияти бузилган шахслар, уларнинг индивидуал хусусиятлари, шунингдек, эшитиши, нутки бузилиши хусусиятига кўра уларни ўқитиши қонуниятларини педагогик жиҳатдан ўрганиш;
- эшитиш қобилияти бузилган турли категориядаги болалар учун махсус таълим мазмунини ишлаб чиқиш, уни илмий жиҳатдан асослаш ва амалий амалга ошириш;
- эшитиш қобилияти бузилган шахсларни ўқитишнинг дидактик ва махсус методикаларини яратиш;
- қолдик эшитиш қобилиятини ривожлантириш бўйича махсус таълим технологияларини яратиш, педагогик соғломлаштириш тадбирларини ташкил этиш ва бошқалар.

Оммавий умумий ўрта таълим мактабида эшитиш қобилияти бир оз пасайган болалар ўқиши мумкин. Ўқитувчи бола томонидан дарсда билдирилаётган фикрларни яхши эшита олишига эътибор бериши, бунинг учун болани биринчи ёки иккинчи партага, иложи бўлса ўрта қаторга ўтказиш керак. Шунингдек, ўқитувчи бола унинг гапларини тўғри тушуна олганлиги, топшириқни тўғри бажараётганлигини назорат қилиб туриши керак. Баъзида эшитмайдиган ёки ёмон эшитадиган болалар оммавий, умумий ўрта таълим мактабларида эшитадиган тенгдошлари билан бирга муваффақиятли ўқийдилар.

Ўқитувчи эшитмайдиган ёки ёмон эшитадиган бола синфга қабул қилинганда уларнинг психофизиологик ҳамда нутқ ривожланиши хусусиятларини билиши талаб этилади.

**Кўриш қобилияти бузилган ўқувчиларни коррекцион ўқитиш. Кўриш қобилияти бузилиши турлари, уларнинг сабаб ва оқибатлари.** Кўриш қобилияти бузилган болаларни ўқитиш ва тарбиялаш хусусиятлари билан тифлопедагогика шуғулланади (юонча «*typhlos*» – кўр) – коррекцион педагогика (дефектология)нинг муҳим соҳаси.

**Кўриш** - кўриш анализатори ёрдамида борликни сезиш ва қабул қилишдир. Мия кўриш орқали ташки дунё ҳақидаги маълумотларни олади.

Боланинг кўриш қобилияти бузилганда уни ривожлантириш, ўқитиш ва тарбиялаш жараёнларида жиддий қийинчиликлар юзага келади.

Болаларда кўриш қобилияти бузилишининг сабаблари турлича бўлиб, улар наслий касалликлар, ҳомила она қоринида ривожланаётганда кўриш органлари патологиясининг юзага келиши, ҳомиладорлик пайтида онанинг токеплазмоз, қизамиқ ва бошқа оғир касалликлар билан оғриши ва ҳоказо омиллардан иборат бўлиши мумкин.

Кўриш қобилиятининг бузилиши туғма ёки орттирилган бўлади.

Туғма кўр бўлиш ҳомиланинг заарланиши сабабли юзага келади. Кўриш нуқсонларининг юзага келишида наслийлик ҳам кўзга ташланади.

Орттирилган кўрлик одатда кўриш органлари – тўр пардаси, шоҳ парда ёки марказий нерв тизимининг касалланиши (менингит, мия шиши, менингоэнцифалит), организмнинг умумий касалланишидан кейинги асоратлари (кор, грипп, скорлатина), шунингдек, мия ёки кўзниң жароҳатли шикастланиши (боши яраланиши, шикастланиши) оқибатида бўлиши мумкин.

Кўриш қобилиятининг бузилган болалар қўйидаги гурӯхларга ажратилади:

1. Кўр туғилганлар.
2. Эрта кўр бўлиб қолганлар.
3. Уч ёшидан кейинги кўр бўлиб қолганлар.

Оммавий мактабларда, таълим олганда ёмон кўрувчи бола жиддий қийинчиликларга дуч келадилар. Идрок этишнинг аниқ эмаслиги, секинлиги, торлиги каби хусусиятлар предметларни таниб олиш, уларнинг шаклини ажратиш, ўзига хос белгиларини билиб олишда маълум қийинчиликларига олиб келади. Болалар сатрлар, ҳарфлар ва рақамларни адаштирадилар. Булар ўқиши техникаси эгаллаб олиш, ўқилганларнинг мазмунини тушунишга ҳалақит беради. Оддий мактабда ёмон кўрувчи болалар доскада нима ёзилганлигини кўрмайдилар, қараб бажариладиган ишларни ташкил этишда ёмон кўрадиган болалар тез чарчайдилар, бу уларнинг иш қобилиятларини пасайтиради. Педагогларнинг олдидағи энг муҳим вазифа - ёмон кўрадиган болани ўз вақтида аниқлаш, унга маҳсус таълим ва тарбия бериш масаласини ҳал этиш учун ПМПКга юборишдан иборат. Ёмон кўрадиган болаларни

ўқитишиш ва тарбиялаш асосан махсус (коррекцион) мактабларда амалга оширилади.

**Кўриш қобилияти бузилган болаларни оммавий, умумий ўрта таълим мактабларида коррекцион ўқитишиш ва тарбиялаш.** Кўриш қобилияти бузилган болаларни ўқитишиш ва тарбиялаш масалалари билан тифлопедагогика (юонча «*typhlos*» – кўр) – коррекцион педагогика (дефектология)нинг яна бир соҳаси шуғулланади.

Кўриш қобилияти бузилган болалар билан иш олиб бораётган ўқитувчи коррекцион ишларнинг ўзига хос жиҳатларини билиши зарур.

Рефракцияси аномалияли болалар тузатувчи қўзойнак тақишилари керак. Лекин қўзойнак тақишида болалар педагогнинг уларга диққат билан муносабатда бўлишиларига муҳтожлик сезадилар. Мактабда ва уйда ўқув ишларини бажаришда санитар-гигиеник талабларга амал қилиш лозим. Кўришида нуқсони бўлган бола учун иш ўрни тўғри ва етарлича ёритилган бўлиши керак. Бундай бола дераза ёнидаги биринчи ёки иккинчи қаторга ўтказилиши керак. Яқинни кўрадиган бола ҳам доскага яқинроқ биринчи ёки иккинчи партага ўтказилиши зарур. Узоқни кўрадиган бола эса, аксинча, доскадан узоқроққа охирги партага ўтказилиши талаб этилади.

Ўқитувчи ўқувчининг доска, жадвал ва харитадаги ўқув материалларини қабул қилиши ва тушунишини назорат қилиб бориши керак. Аномал рефлексияли болаларда қўзи чарчashi кўп кузатилади. Шунинг учун дарс пайтида уларга кўриш ишларини бошқа турдаги ишлар уйғунлаштириб бериши зарур. Аномал рефлексияли бола 10-15 минут давомида интенсив кўриш ишларини бажаргандан кейин бир неча минут узоққа (доска ёки деразага) қарashi керак, бу кўриш чарчоининг бартараф этилишига ёрдам беради.

Кўриш қобилияти анча оғир бўлган – кўр ва ёмон кўрадиган болаларни ўқитишиш махсус таълим муассасаларида амалга оширилади. Баъзан кўриш қобилияти оғир бузилган болалар оммавий умумий ўрта таълим мактабларига қабул қилинадилар. Бундай вазиятда аномал болалар учун махсус шароитларни яратиш зарурияти юзага келади.

Ўз синфларида оғир кўриш қобилияти бузилган бола бўлган ўқитувчилар болага дифференциал ёндашув асосида муносабатда бўлишилари зарур. Бунинг учун синфдаги ўқувчиларнинг сони 15 нафардан ошмаслиги, синф хонаси яхши ёритилган, кўриш қобилиятида нуқсони бўлган боланинг иш ўрни эса кўшимча ёритилган бўлиши керак. Ўқув-тарбиявий ишлар жараёнида ўқитувчининг нутқи катта аҳамиятга эга бўлади. Унинг нутқи аниқ, тушунарли, ифодали бўлиши зарур. Ўқитувчи ўзининг ҳар бир ҳаракати моҳиятини сўз ёрдамида шарҳлаб бориши,

Синфида кўр ёки ёмон кўрадиган бола бўлган ўқитувчи уларнинг индивидуал хусусиятлари ва имкониятларини билиши, улар нормал кўрадиган тенгдошларидан фарқ қилишиларини яхши англаши мақсадга мувофиқдир.

**Таянч-харакат аппарати бузилган ўқувчиларни коррекцион ўқитиш. Таянч-харакат аппаратлари бузилишининг турлари ва юзага келиш сабаблари.** Таянч-харакат аппаратидаги турли бузилишлар болаларни ўқитиш ва тарбиялашда муайян муаммоларни келтириб чиқариши мумкин. Таянч-харакат аппарати функцияларининг бузилиши тұғма ёки орттирилган бўлиши мумкин. Таянч-харакат аппарати патологияси қуидаги турларга ажратилади:

1) нерв тизимининг касалланиши (болалар церебрал параличи (БЦП), полиомиелит);

2) таянч-харакат аппаратининг тұғма патологияси; соннинг тұғма чиққанлиги; бўйин қийшиқлиги; қийшиқ оёқлик ва оёқнинг бошқа нуқсонлари; умуртқа пофонаси ривожланишидаги нуқсонлар (сколиоз); қўл ёки оёқларнинг ривожланмаганлиги ва нуқсонлари; қўли бармоқларининг аномал ривожланиши; артгрогрипоз (туғма майиблик);

3) орттирилган касалликлар ва таянч-харакат аппаратининг заарланиши; орқа мия, бош мия ва қўл-оёқларнинг травматик жароҳатланиши; полиатрит; скелет касалликлари (туберкулез, суклардаги шишлилар, остеомиелит), скелет тизими касалликлари (рахит, хондодистрофия).

Таянч-харакат аппарати патологияси бўлган болаларда асосий бузилиш харакатланишдаги нуқсон ҳисобланади. Бундай нуқсонларга эга болаларнинг 89 % ини церебрал параличли болалар ташкил этадилар. Уларда ҳаракат бузилиши психик ва нутқий бузилишлар билан бирга намоён бўлади. Шу боис бу каби болалар нафақат даволаш ва ижтимоий ёрдамга, балки психологик-педагогик ва логопедик коррекцияга ҳам муҳтоҷ бўладилар.

Ҳаракатланиш бузилишлари ўртача даражада бўлган болалар юришни ўрганиб олсаларда, бироқ, шонч билан юра олмайдилар, улар учун маҳсус мосламалар зарур. Ҳаракатланиш бузилишининг енгил шаклида болалар уйда ва кўчада мустақил, қўрқмай юра оладилар, ўзларига тўла хизмат кўрсатадилар.

Назорат учун саволлар:

1. Ривожланиши ва хулқида четланишлари бўлган болаларни ўқитиш ва тарбиялаш масалалари билан қайси фан шуғулланади?

2. Коррекцион педагогиканинг вазифаси нимадан иборат?

3. “Коррекция”. “коррекцион педагогик фаолият” тушунчалари қандай маънони англатади?

4. Аномал ўқувчилар билан қандай коррекцион ишлар олиб борилади?

5. Коррекцион педагогика (дефектология) фаннинг ривожланиш тарихи ҳақида нималарни биласиз?

6. “Ривожланишдаги четланишлар” тушунчаси қандай маънони англатади?

7. Ақли заиф болалар билан қандай коррекцион ишлар олиб борилади?

8. Логопедия нима?

9. Ўқувчилар нутқий бузилиши қандай психологик-педагогик хусусиятларига эга?

10. Оммавий умумий ўрта таълим мактабларида эшлиши қобилияти бузилган болалар билан қандай коррекцион-педагогик ишлар амалга оширилади?

11. Оммавий умумий ўрта таълим мактабларида кўриш қобилияти бузилган болалар билан қандай коррекцион-педагогик ишлар амалга оширилади?

12. Оммавий умумий ўрта таълим мактабларида таянч-харакат аппарати бузилган ўқувчилар билан коррекцион-педагогик ишлар амалга оширилади?

#### Тест топшириқлари:

1. Бу фан ривожланиши ва хулқида турли четланишлар бўлган ўқувчиларни ўқитиш ҳамда тарбиялаш билан шуғулланади?

- а) коррекцион педагогика;
- в) мактаб педагогикаси;
- с) ҳарбий педагогика;
- д) спорт педагогикаси;
- е) ижтимоий педагогика.

2. Аномал болаларда педагогик усул ва чора-тадбирлар тизими ёрдамида психик ҳамда жисмоний ривожланишидаги камчиликларни тузатиш (қисман ёки тўла) тушунчаси нима деб аталади?

- а) аномалия;
- в) коррекция;
- с) компенсация (ўрнини тўлдириш);
- д) мослаштириш;
- е) реабилиятация.

3. Аномал болаларни ўқитиш ва ривожлантириш, аномал болаларни тарбиялаш, коррекцион-тарбиявий ишлар, компенсация, ижтимоий мослаштириш, оиласи тарбия каби тушунчалар нимани ифодалайди?

- а) коррекцион педагогика масалаларини;
- в) коррекцион педагогика вазифаларини;
- с) коррекцион педагогика категорияларини;
- д) коррекцион педагогика методларини;
- е) коррекцион педагогика тамойилларини.

4. Коррекцион педагогика (дефектология)нинг қайси соҳаси нутқ бузилишларини ўрганиш, олдини олиш ва тузатиш билан шуғулланади?

- а) сурдопедагогика;
- в) олигофренопедагогика;
- с) тифлопедагогика;
- д) дефектология;
- е) логопедия.

Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни. Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётиning пойдевори. – Тошкент, Шарқ нашриёт-матбаа концерни, 1997
2. Новоторцева Н.В. Коррекционная педагогика и специальная психология. Словарь. – Москва, Педагогика, 1999.
3. Усанова О.Н. Психик ривожланишида муаммолари бўлган болалар. –Москва, Педагогика, 1995.
4. Рахмонова В.С. Дефектология ва логопедия асослари. –Тошкент, Ўқитувчи, 1990.